2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 52 (1378), 2025 йил 14 март, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ЎЗБЕКИСТОН — ФРАНЦИЯ: ИККИ ВА КЎП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛГАН ТАРИХИЙ ТАШРИФ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг таклифига биноан 11-13 март кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.**



Давлатимиз раҳбари 13 март куни Париж шаҳридаги Бурбон саройида Франция Миллий мажлиси Раиси Яэль Браун-Пиве билан учрашув ўтказди.

Икки давлат ўртасидаги парламентлараро алмашинувни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ушбу ташрифнинг тарихий аҳамияти, Ўзбекистон ва Франция ўртасида стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Франция парламенти қуйи палатаси раҳбари Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни, вакиллик органларининг роли, хотин-қизлар, болалар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари ҳамда экологик хавфсизлик кафолатлари кучайганини юқори баҳолади.

Ўзбекистон — Франция парламентлараро форумини ташкил этиш ва “йўл харитаси” асосида дўстлик гуруҳлари ишини қайта тиклаш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон етакчиси Миллий мажлис Раисини жорий йил апрель ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Парламентлараро иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеясида иштирок этиш учун мамлакатимизга таклиф этди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фахрий меҳмонлар китобида қайд ёзиб қолдирди.

Францияга давлат ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Париж шаҳри мэри Анн Идальго билан учрашди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари пойтахт мэрини ёзги Олимпия ва Паралимпия ўйинлари муваффақиятли ўтказилгани билан самимий қутлади, шунингдек, Париж кўчаларидан бирига Самарқанд номи берилгани учун миннатдорлик билдирди.

Ўз навбатида, Анн Идальго Ўзбекистон раҳбарига олимпиада тадбирлари даврида жамоат хавфсизлигини таъминлашда кўрсатилган ёрдам учун ташаккур билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон Президентининг ушбу ташрифи тарихий натижалар билан якунлангани — икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Тошкент ва Париж ўртасидаги амалий ҳамкорлик ва алмашинувларни имзоланган битим асосида фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Шаҳарсозликни режалаштириш, “яшил” ҳудудлар барпо этиш, жамоат транспортини ривожлантириш, рақамлаштириш, шунингдек, шаҳар коммуникацияларини модернизация қилиш ва улардан барқарор фойдаланиш борасида тажриба алмашиш шулар жумласидан.

Бундан ташқари, ўзаро кўргазмалар, маданият ва санъат кунлари, сайёҳлик ва гастрономик фестиваллар ўтказиш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув якунида Париж кўчаларидан бирига Самарқанд номи берилишига бағишланган расмий маросим бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари ва Париж мэри Ўзбекистон Президенти фахрий меҳмон сифатида Париж шаҳрида бўлгани тўғрисида қўшма ҳужжатни имзоладилар. Ушбу эсдалик ёрлиғи мэрия музейида намойиш этилади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Франция Республикасига тарихий давлат ташрифининг тадбирларга бой дастури якунига етди.

Давлатимиз раҳбари Париж шаҳрида Франция Президенти Эммануэль Макрон билан самарали музокаралар ўтказди.

Саммит якунида Стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисида қўшма декларация, шунингдек, ҳамкорликнинг турли йўналишлари бўйича битимларнинг салмоқли тўплами қабул қилинди.

Президентимиз Франциянинг етакчи компания, банк ва ташкилотлари раҳбарлари билан давра суҳбатида иштирок этди. Умумий қиймати 6,5 миллиард евро бўлган аниқ кооперация лойиҳаларини амалга оширишни назарда тутувчи Инвестиция ва инновация соҳаларида ҳамкорлик дастури қабул қилинди.

Икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Франция Республикасининг олий мукофоти — Фахрий легион ордени билан тақдирланди.

ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле билан музокараларда ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари ҳамда ташкилот Бош конференциясининг Самарқанд шаҳридаги 43-сессиясига тайёргарлик кўриш масалалари муҳокама қилинди.

Ташриф тадбирлари якунлангач, “Орли” халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Франция спорт ва ёшлар вазири Мари Барсак ва бошқа расмий шахслар кузатиб қўйди.

**ЎзА**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**

**“Ишончим комил, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги эзгу ҳамкорлик анъаналарини нафақат тиклаш, ҳар икки давлат тараққиётига хизмат қиладиган ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, айни пайтда уларни бугунги глобализация шароитига мос келадиган янги, юксак даражага кўтариш вақти келди. Мамлакатларимиз олдида турган вазифалар ва амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотларнинг муштарак хусусиятларга эга экани ва бу ўзгаришлардан кутилаётган натижалар ҳам кўп жиҳатдан ўхшаш эканини инобатга оладиган бўлсак, бундай ҳамкорлик янада муҳим аҳамият касб этади”.**

# ЎЗБЕКИСТОН — ФРАНЦИЯ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



Ушбу гаплар Франция Президенти Эммануэль Макрон қаламига мансуб “Революция” китобининг Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2019 йили ўзбек тилига таржима қилинган ва чоп этилган нашрига давлатимиз раҳбари ёзган сўзбошидан иқтибосдир. Ўтган даврда, ҳақиқатан, Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ҳар томонлама изчил ривожланиб бормоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Президент Эммануэль Макроннинг таклифига биноан шу йил 11-13 март кунлари давлат ташрифи билан Францияда бўлди. Ташриф доирасидаги мулоқотлар кун тартибидан кўп қиррали Ўзбекистон — Франция муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари ўрин олди.

Бунга қадар Ўзбекистон Президенти 2018 ва 2022 йилларда Францияга расмий ташриф буюрган, ўз навбатида, Франция Президенти 2023 йили Ўзбекистонга расмий ташриф билан келганди. Олий даражадаги ушбу ташрифлар ҳамкорлик муносабатларининг барча соҳа ва йўналишларида янги даврни, яъни юксалиш босқичини бошлаб берди.

Бу ҳақда фикр юритганда, турли соҳалардаги манфаатли алоқаларимиз ривожини кўрсатадиган кўплаб рақамлару тафсилотларни келтиришдан тийилмоқчимиз. Бунинг ўрнига маданий соҳадаги ҳамкорлигимизнинг ёрқин ютуғи бўлган иккита мисолга эътибор қаратиш билан кифояланамиз.

*Давоми 3-бетда*

# ФРАНЦИЯГА РАСМИЙ ТАШРИФ:
## ДУНЁ ЖАМОАТЧИЛИГИНИ ҲАЙРАТЛАНТИРГАН ВОҚЕАЛАР ВА ЮКСАК ЭҲТИРОМ

**Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Францияга давлат ташрифи кутилмаган ва тарихий воқеаларга бойлиги билан жаҳон матбуотининг биринчи саҳифаларини эгаллади.**

Хусусан, Президент Эммануэль Макрон давлатимиз раҳбарини Франциянинг энг юксак давлат мукофоти — **Фахрий легион ордени** билан тақдирлагани ташрифнинг энг кутилмаган воқеаси бўлди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, Фахрий легион ордени Франциянинг энг олий давлат мукофоти бўлиб, 1802 йилда Наполеон Бонапарт томонидан таъсис этилган.

Ушбу орденнинг берилиши алоҳида хизматларнинг давлат даражасида эътироф этилиши ва шон-шарафнинг энг юқори белгиси ҳисобланади. Таъсис этилганидан буён халқаро даражада юксак нуфуз ва обрў-эътиборга эга шахслар бу мукофотга муносиб кўриб келинган. Эндиликда ушбу мукофот билан тақдирланганлар рўйхатида икки мамлакат ҳамкорлигини ривожлантириш, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун бундай эътирофга муносиб кўрилган Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев номи ҳам алоҳида қайд этилади.

Мазкур орден ҳозиргача Франция ва дунёдаги энг нуфузли мукофотлардан бири бўлиб қолмоқда.

Давлатимиз раҳбари шарафига Елисей саройида уюштирилган давлат қабул маросимида юқори мартабали меҳмон ҳурмати учун Франция Президенти Эммануэль Макрон ўзбек тилида сўзлагани таҳсинга сазовор воқеа бўлди. Франциядек қудратли давлат раҳбарининг ўзбек тилида лутф қилиши дунё жамоатчилигини ҳайратлантиргани шубҳасиз.

Ташрифнинг яна бир кутилмаган янгилиги шуки, Эммануэль Макрон инстаграмдаги саҳифасида олий мартабали меҳмонга ҳурмат маъносида “**Парижга хуш келибсиз! Яшасин Ўзбекистон, яшасин Франция!**” деб ёзиб қолдирди. Унинг мазкур ижтимоий тармоқдаги саҳифасини дунё бўйлаб 4 миллиондан зиёд одам кузатиб боради.

# МУЗ УСТИДАГИ ОЛТИН ҒАЛАБАЛАР

## Хоккей бўйича Ўзбекистон U-18 терма жамоаси жаҳонни забт этди

Хушхабар

**Яқинда Таиланднинг Бангкок шаҳрида хоккей бўйича ўтказилган U-18 жаҳон чемпионатида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси хоккей жамоаси ғолиб бўлди. Куни кеча Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида хоккей жамоасининг мураббий ва спортчилари билан учрашув ҳамда уларни тақдирлаш маросими ташкил этилди.**

Федерация раиси Қудратилла Рафиқов тадбирни Президентимизнинг Францияга расмий ташрифи доирасида юз берган тарихий хушхабар билан бошлади.

— Икки мамлакат ҳамкорлигини ривожлантириш, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун давлатимиз раҳбарининг Франция Республикасининг олий мукофоти — Фахрий легион ордени билан тақдирлангани Ўзбекистон халқини, жумладан, 7 миллионлик касаба уюшма аъзолари ва фаолларини бирдек қувонтирди, — деди Қудратилла Рафиқов. — Дунё миқёсида саноқли шахсларгина сазовор бўлган мазкур орденнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига топширилиши давлатимиз раҳбари юритаётган одилона ва оқилона сиёсатнинг, шунингдек, янги Ўзбекистонда барча соҳаларда бирдек амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самарасининг дунё ҳамжамиятидаги навбатдаги эътирофи бўлди.

*Давоми 2-бетда*

# ЎЗБЕКИСТОН

*Қоялар яширган хат — изларим бор,*
*Тарихни суғорган илдизларим бор,*
*Қуёш яйраб сузган кундузларим бор,*
*Осиё машъали — муқаддас юрт бу,*
*Ўзбекистон дея ном олган мангу.*

*Бизга йўл кўрсатган улуғ аждодлар,*
*Бевақт сўнган умр, оҳу фарёдлар,*
*Уларни ёд этар жасур авлодлар,*
*Қон билан, жон билан тикланган юрт бу,*
*Ўзбекистон дея ном олган мангу.*

*Кўнгилдан бошланган дарёларим кўп,*
*Уфққа туташган дунёларим кўп,*
*Кўҳна дунё билан савдоларим кўп,*
*Жаҳонга ҳайратлар улашган юрт бу,*
*Ўзбекистон дея ном олган мангу.*

*Фарангу арабу япон, ажамлар...*
*Ўзбекнинг боғига томган шабнамлар,*
*Дунё тарихини битган қаламлар,*
*Қуллуққа эгилган безавол юрт бу,*
*Ўзбекистон дея ном олган мангу.*

*Қаранг, Фарангистон очмоқда қучоқ,*
*Қуёш диёримдан ўт олган ўчоқ,*
*Юртим зиёсига тўлар ҳар пучмоқ,*
*Йўли мангуликка туташган юрт бу,*
*Ўзбекистон дея ном олган мангу.*

**Салим АШУР,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**




# АСРЛАР ДАВОМИДА СИНАЛГАН ДЎСТЛИК

**Тожикистоннинг Хўжанд шаҳрида Алишер Навоий таваллудининг 584 йиллиги муносабати билан адабий тадбир ташкил этилди.**

*Давоми 6-бетда*




# САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР КЎПЛАБ ЙЎНАЛИШЛАРДА ИККИ ДАВЛАТ ЎРТАСИДА ЎЗАРО ИШОНЧ КУЧАЙИБ БОРАЁТГАНИДАН ДАЛОЛАТДИР

## Хорижий эксперт доиралари вакиллари олий даражадаги Ўзбекистон — Франция саммити якунлари ҳақида

**13 март куни Президент Шавкат Мирзиёевнинг Францияга уч кунлик давлат ташрифи якунланди. Елисей саройида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Франция Президенти Эммануэль Макроннинг музокаралари бўлиб ўтди. Давлат раҳбарлари кўп қиррали Ўзбекистон — Франция муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалаларини юзма-юз ва делегациялар иштирокида атрофлича муҳокама қилдилар.**

Савдо-иқтисодий ва инвестиция-молиявий соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, Франциянинг етакчи компания ва корхоналари билан кооперация лойиҳаларини илгари суришга устувор аҳамият қаратилди. Узоқ муддатли кооперация алоқаларини йўлга қўйишга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон — Франция инвестиция кенгашини таъсис этиш ва унинг биринчи йиғилишини жорий йил июнь ойида Тошкент инвестиция форуми доирасида ўтказиш таклиф этилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон ва Франция етакчилари Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларацияни қабул қилдилар.

Ташрифнинг энг муҳим нуқтаси, Ўзбекистон Президентининг икки мамлакат ҳамкорлигини ривожлантириш, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун Франциянинг олий мукофоти — Фахрий легион ордени билан тақдирлангани бўлди.

Хорижий экспертлар Парижда бўлиб ўтган олий даражадаги Ўзбекистон — Франция музокаралари натижаларини, хусусан, узоқ муддатли истиқболда икки томонлама муносабатларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланган ҳамкорликнинг аниқ мақсадларини тарихий дея баҳоламоқда.



**Антонио БУСКАРДИНИ, "Travel Tomorrow" компанияси бош директори ва асосчиси (Бельгия):**

— Париж шаҳрида бўлиб ўтган ва мамлакатларимиз ўртасидаги туризм алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим воқеага айланган Ўзбекистон — Франция туризм форумида иштирок этганимдан мамнунман.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Францияга ташрифи Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги нафақат сиёсий ва иқтисодий, балки туризм, маданият ва бизнес соҳаларида ҳам стратегик шериклик мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

Туризм Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутади ва бундай форумлар мамлакатнинг ноёб диққатга сазовор жойларини тарғиб этиш, янги сармоявий шерикларни жалб қилиш учун қимматли имкониятлар яратади.

Мен сўнгги йилларда Франциянинг энг йирик телевизион тармоғи TV5Monde учун олтита ҳужжатли фильм суратга олиш орқали Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга ҳисса қўшганимдан фахрланаман. Ушбу ҳужжатли фильмлар Ўзбекистонни француз тилида сўзлашадиганлар ўртасида танитишда муҳим роль ўйнади, шунингдек, мамлакатнинг бой маданий мероси, тарихий обидалари ва фаол туризм соҳасини ёритиб берди.

Ўзбекистон 2024 йилда рекорд даражадаги 10 миллион халқаро сайёҳни қабул қилди ва бу мамлакатнинг жаҳон сайёҳлик йўналиши сифатидаги жозибадорлигини намойиш этди.

Қолаверса, Ўзбекистон туризмни ривожлантиришдан ташқари меҳмонхона сектори, инфратузилма ва барқарор сайёҳлик лойиҳаларини амалга ошириш учун Франция инвестициясини фаол равишда жалб қилъяпти. Франция бизнеси ва сайёҳлик компаниялари билан алоқаларни мустаҳкамлаш юқори сифатли туризм хизматларини кенгайтириш ҳамда Франция ва бошқа мамлакатлардан сайёҳларнинг янги тўлқинини жалб этишда асосий омил бўлаётир.

Ана шундай ижобий ўзгаришларни инобатга олган ҳолда, Европа пойтахти Брюсселда туризм ва сармояга бағишланган ихтисослаштирилган форумни ўтказиш учун ушбу жадалликдан фойдаланиш вақти келди деб ўйлайман. Бундай тадбир Ўзбекистоннинг Европа бозоридаги иштирокини кенгайтириш, асосий манфаатдор томонларни жалб қилиш ҳамда Европа институтлари ва бизнеслари билан янги ҳамкорликни йўлга қўйиш учун стратегик платформага айланиши мумкин.



**Каспер ОХМАН, "Kierunek Kawkaz" ахборот-таҳлил портали асосчиси (Польша):**

— Ушбу ташриф Шавкат Мирзиёев 2016 йил декабрь ойида Ўзбекистон Президенти лавозимига киришганидан сўнг амалга ошираётган халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш ва очиқлик сиёсатига мос келади.

Қолаверса, ташриф Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги халқаро муносабатларни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадамдир. Шубҳасиз, мазкур учрашув иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги ҳамкорлик учун янги имкониятлар яратади.

Франциянинг етакчи компаниялари билан Ўзбекистон иқтисодиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшиши мумкин бўлган қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Бундай юксак даражадаги музокаралар Ўзбекистон раҳбариятининг халқаро майдонда очиқ мулоқот ва ўзаро манфаатли шериклик муносабатларига интилишини билдиради.

Франция каби йирик давлатлар билан ўзаро ҳамкорликнинг фаоллашиши мамлакатнинг бутун дунёдаги мавқеини мустаҳкамлайди ва икки томонлама муносабатларни ривожлантиради.

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессиясига тайёргарлик кўриш каби халқаро ташаббусларда фаол иштирок этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани расмий Тошкентнинг жаҳон миқёсида ўз мавқеини мустаҳкамлашга интилишидан далолат беради.

Мамлакатнинг ташқи сиёсий фаолияти амалга оширилаётган ички ўзгаришлар билан бирга инвестицияларни жалб этиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва мамлакат иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган модернизация стратегиясини муваффақиятли амалга оширишга хизмат қилмоқда.



**Рой Энтони РОДЖЕРС, Малая университети халқаро ва стратегик тадқиқотлар кафедраси профессори (Малайзия):**

— Ўзбекистон ва Франция ўртасида стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги тарихий қарор икки томонлама ҳамкорликнинг янги босқичини акс эттиради ва томонларнинг асосий масалаларни ҳал этиш ҳамда узоқ муддатли истиқболда ҳамкорликни ривожлантириш бўйича фаол ишлашга тайёрлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Президентининг Францияга ташрифи юқори самарали бўлиб, ҳамкорликнинг кўплаб йўналишлари, жумладан, иқтисодиёт, маданият, фан ва таълим соҳаларига эътибор қаратгани икки давлат ўртасида ўзаро манфаатдорлик ва ишонч кучайиб бораётганидан далолатдир.

Савдо-иқтисодий алоқаларнинг сезиларли даражада кенгайгани ташрифнинг асосий натижалари саналади. 1 миллиард евродан ошган икки томонлама савдо айланмаси ҳажми, шунингдек, қўшма корхоналар сонининг кўпайгани аввалги келишувлар ва қўйилган қадамлар муваффақиятини тасдиқлайди. Айниқса, энергетика, инфратузилма ва минерал ресурслар соҳаларида тақдим этилган умумий қиймати 6,5 миллиард евро бўлган янги йирик лойиҳалар диққатга сазовор. Бу, шубҳасиз, расмий Парижнинг Ўзбекистонга йирик инвестиция ва узоқ муддатли иқтисодий лойиҳалар бўйича яқин ҳамкор сифатида қизиқиши ортиб бораётганидан гувоҳлик беради.

Ўзбекистон — Франция инвестиция кенгашини тузиш ва унинг биринчи йиғилишини Тошкент инвестиция форуми доирасида ўтказиш таклифи инвестициялар соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни институционаллаштириш ва сифатини ошириш учун муҳим қадамдир. Бу янги сармояларни жалб қилиш ва француз бизнеслари ўртасида ишончни оширишга ёрдам бериши мумкин.

Эътиборлиси, музокаралар чоғида маданий алмашинув, жумладан, кўргазмалар ўтказиш, Ўзбекистонда Франция мероси институтини ташкил этиш ва Ўзбек-француз университетини очиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу маданиятлараро алоқаларни мустаҳкамлаш, таълим ва маданий меросни асраб-авайлаш соҳасида билим ва тажриба алмашиш учун платформа яратишда муҳим қадамдир.

Ўзбекистон Президентига Фахрий легион ордени топширилиши ташрифнинг энг муҳим нуқтаси бўлди. Ўзбекистон раҳбарининг икки давлат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини ривожлантиришдаги хизматлари эътироф этилиши Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътиборини, жаҳон миқёсидаги мавқеини мустаҳкамлашда катта ютуқ.

Умуман олганда, Ўзбекистон Президентининг Парижга ташрифи икки давлат ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлаш, иқтисодий ўсиш ва маданий алмашинув учун янги имкониятлар очади.

**Сюй ТАО, Евроосиё ижтимоий тараққиёт институти директори ўринбосари (Хитой):**



— Ўзбекистон Президентининг Францияга давлат ташрифи икки томонлама савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни ривожлантириш учун янги истиқболларни очмоқда. Имзоланган ҳукуматлараро ва идоралараро келишувларнинг мустаҳкам тўплами ҳар икки томоннинг кўп қиррали ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга жиддий интилишидан далолат беради.

Франциянинг етакчи компания ва корхоналари, жумладан, "яшил" ва саноатни ривожлантириш соҳасида амалий ҳамкорлик лойиҳаларига қаратилаётган алоҳида эътибор Ўзбекистон иқтисодиётига салмоқли инвестиция жалб этиш, янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

Давлат ташрифи доирасида маданият, туризм, таълим ва тиббиёт соҳаларида ўтказилган кўплаб қўшма тадбирлар Ўзбекистон — Франция муносабатларидаги ушбу муҳим воқеага янада шижоат бағишлади.

Ташриф дастуридан ЮНЕСКО Бош директори билан учрашув ўрин олганига ҳам эътибор қаратдим. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг халқаро маданий-гуманитар ҳамкорликдаги, хусусан, ЮНЕСКО доирасидаги фаол ролини алоҳида таъкидламоқчиман. Жорий йилда ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясининг тарихий Самарқанд шаҳрида ўтказилиши Ўзбекистоннинг бу борадаги саъй-ҳаракатларининг халқаро миқёсдаги эътирофидир.

> **Ўзбекистон Президентининг Францияга давлат ташрифи узоқ муддатли истиқболда икки мамлакат тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу ташриф томонларнинг дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилишини намойиш этди, бу нафақат икки томонлама муносабатлар, балки минтақавий алоқаларни ривожлантиришда муҳим омилдир.**

**Ашраф Абу АРАФА, "Ал-Дипломаси" ахборот агентлиги бош муҳаррири (Миср):**



— Ташриф икки давлат ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлаган, кўп қиррали ҳамкорликнинг янги истиқболларини очган муҳим воқеа бўлди.

Бундай ташрифлар икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиб, иқтисодий, сармоявий, маданий-маърифий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратади. Музокаралар давомида эришилган келишувлар, жумладан, стратегик шериклик муносабатларини йўлга қўйиш Ўзбекистон — Франция ҳамкорлигига янги суръат бағишлайди.

Ташрифнинг иқтисодий жиҳатига алоҳида эътибор қаратиш жоиз деб ўйлайман. Имзоланган шартномалар ва инвестиция лойиҳалари илғор технологияларни жалб этиш, инфратузилма, энергетика, транспорт ва муҳим минерал хомашё тармоқларини ривожлантиришга хизмат қилади. Шунингдек, ушбу келишувлар иқтисодий ўсиш ва ҳар икки мамлакат аҳолиси фаровонлигини ошириш учун янги имкониятлар очади.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик ҳам ташрифнинг бирдек муҳим жиҳатидир. Тошкентда Ўзбек-француз университетининг очилиши, қўшма таълим ташаббуслари ва илмий ҳамкорликнинг чуқурлашуви инсон капитали ва билим алмашинувини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Яна бир муҳим ташаббус Ўзбекистонда француз тилини ўқитишнинг кенгайиши бўлиб, бу халқлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Президентининг Францияга давлат ташрифи узоқ муддатли истиқболда икки мамлакат тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу ташриф томонларнинг дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилишини намойиш этди, бу нафақат икки томонлама муносабатлар, балки минтақавий алоқаларни ривожлантиришда муҳим омилдир.

**Раҳмон ЎЛМАСОВ, Россия — Тожикистон (славян) университети профессори:**



— Совет Иттифоқи парчаланиб, 1991 йилда мустақилликка эришган Ўзбекистон ҳам минтақада, ҳам жаҳонда мураккаб муносабатлар йўлини босиб ўтди.

> **Ўзбекистон Президентининг Парижга ташрифи мисли кўрилмаган ва мураккаб халқаро вазиятда ўтди. Бир пайтлар Марказий Осиё етакчиларининг Елисей саройида кутиб олинишини тасаввур қилиш қийин эди. Ўзбекистон Франция билан муносабатларда етакчи ҳисобланади. Буни рақам ва фактлар ҳам тасдиқлайди.**

Ишончим комилки, икки томонлама ўзбек-француз муносабатлари Ўзбекистон билан қўшни давлатларга ҳам таъсир кўрсатади.

Бундан ташқари, ташриф Франциянинг Европа қитъасидаги фаолияти нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Имзоланган ҳужжатлар ҳам иқтисодий, ҳам бошқа соҳалардаги шериклик кўламини кенгайтириб, ҳамкорликнинг барча мумкин бўлган йўналишларини қамраб олди.

Бу ҳар икки томон ҳам ҳамкорликни чуқурлаштиришга интилишининг яққол сиёсий белгисидир. Ташриф 1992 йилда дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён эришилган салмоқли ютуқларни яққол намойиш этади ва глобал муаммоларни биргаликда ҳал этиш бўйича умумий интилишни тасдиқлайди.

**"Дунё" АА**

Бошланиши 1-бетда

# МУЗ УСТИДАГИ ОЛТИН ҒАЛАБАЛАР

## Хоккей бўйича Ўзбекистон U–18 терма жамоаси жаҳонни забт этди

Шундан сўнг Қ.Рафиқов Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги олдидан қўлга киритилган улкан ғалаба учун спортчиларга миннатдорлик билдирди. Терма жамоа аъзолари ва мураббийлари эсдалик совғалар ва пул мукофоти билан тақдирланди.

Ўзбекистон терма жамоаси илк марта бундай нуфузли чемпионатда иштирок этганига қарамай, барча жамоалар устидан ўта ишончли ва йирик ҳисобда ғалабага эришди. Масалан, Жанубий Африка Республикасини 12:0, Люксембургни 12:1, Туркманистонни 8:2, Босния ва Герцеговинани 11:3 ва ниҳоят ҳал қилувчи баҳсда Таиланд жамоасини 3:2 ҳисобида енгди ва мутлақ чемпион бўлди.




Жамоа сардори Жасурбек Рустамхонов 14 та голи (шайбаси) ва 8 та узатмаси эвазига турнирнинг "Энг яхши ҳужумчи" ва "Энг яхши ўйинчи", Рустам Эргашев эса "Энг яхши дарвозабон" номинациясига муносиб кўрилди.

— Бу бизнинг биринчи иштирокимиз. Шу боис, катта ҳаяжон ҳамда масъулият юклади, — дейди Жасурбек Рустамхонов. — Чемпионатга қатъий интизом асосида тайёргарлик кўрдик. Натижада барча жамоани йирик ҳисобда енгдик. Охирги ўйин қийинроқ кечди, аммо уюшқоқлик билан мезбонлар терма жамоасини ҳам енгдик. Бизнинг бу ғалабамиз муҳтарам Президентимиз томонидан мамлакатимизда спортнинг хоккей турини ривожлантиришга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ёш спортчилар учун яратиб берилаётган шароит ҳамда имкониятлар натижасидир. Бугунгидек рағбат ва эътибор бизни руҳлантиради ҳамда кейинги муҳим ўйинларда куч беради.




Чемпионларимизни тайёрлаган мураббийлар штаби Нормундс Сеейс, Абдумажид Носиров ва Роман Кривомазов каби тажрибали мутахассислардан иборат. Учрашувда мураббийлар юртимизда барча спорт турлари қатори хоккейга қаратилаётган эътибор ва ишонч учун миннатдорлик билдирди.




— Бизга ишонч билдирган ва фаолият юритишимиз учун кенг имкониятлар яратиб берган Президентимизга катта раҳмат, — дейди терма жамоа мураббийи Абдумажид Носиров. — Ушбу чемпионатдан аввал Осиё турнирларида қатнашиб, тажриба тўплаганмиз. Бир неча нуфузли мусобақада ғолиб бўлганмиз. Жаҳон чемпионатига бир йил тайёрландик. Бугунги ғалаба шукуҳи ва кайфият мана шундай меҳнатлар самарасидир. Шогирдларим бундан жуда хурсанд. Ўзига ишончи баланд. Мана шу руҳда давом этиб, бундан кейин ҳам катта марраларни забт этишни кўзлаяпмиз. Ушбу ғалаба жамоамизга келгуси йили III дивизионнинг "А" гуруҳида қатнашиш имкониятини тақдим этди.

Хўш, бу нима дегани? Халқаро хоккей федерацияси томонидан ташкил этиладиган U-18 жаҳон чемпионати бир неча дивизионга бўлинган. Жамоалар ўз даражасига қараб турли дивизионда қатнашади. III Б дивизион — паст даражадаги дивизионлардан бири. Ўзбекистон U-18 терма жамоаси шу дивизионда иштирок этиб, барча рақибларини мағлуб этди ва III А дивизионига кўтарилиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Жамоамиз бу дивизионда ҳам ғолиб чиқса, кейинги босқичга — II дивизионга кўтарилиши мумкин. Бошқача айтганда, ҳар бир босқичда ғолиб бўлган жамоа юқорироқ дивизионга чиқади, энг кучсиз жамоа эса қуйига тушиб кетади. Бу хоккейда "кўтарилиш ва тушиб кетиш" тизими деб аталади. Ўзбекистоннинг III А дивизионига чиқиши халқаро миқёсда кучлироқ жамоалар билан беллашиш ва тажриба орттириш учун катта имконият, дегани.

Хоккей жамоавий ўйини спортчилардан ўзига хос чаққонлик, фавқулодда ҳушёрлик ва муз устида ердагидек эркин ҳаракат қила олиш маҳоратини талаб этади. Хоккейнинг расмий ўйинлари одатда -5 градус атрофидаги муҳитда ўтказилади. Очиқ ҳаводаги ўйинларда ундан ҳам совуқ бўлиши мумкин. Ўйин давомида хоккейчилар жуда катта тезликда — соатига 40-50 километрдан 180 километргача ҳаракатланади ва ўртача 6-8 километр масофани босиб ўтиши мумкин.

**Рашид ХЎЖАМОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири**



“Халқаро ва давлатлараро муносабатларда ўзаро ишонч йўқолиб бораётган бугунги таҳликали ва нотинч даврда Франция билан стратегик ҳамкорликни ниҳоятда қадрлаймиз. Икки томонлама, минтақавий ва глобал муаммолар юзасидан қарашларимиз яқинлиги ҳам жуда муҳим.

# ЎЗБЕКИСТОН — ФРАНЦИЯ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



**Акмал САИДОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон — Франция дўстлик гуруҳи раиси**

Бошланиши 1-бетда

**Биринчи мисол:** 2022 йилда Парижнинг нақ марказида — дунёдаги энг машҳур музейлардан бири, Франциянинг ноёб дурдонаси ҳисобланувчи Лувр музейида Ўзбекистон маданий меросига бағишланган дастлабки йирик кўргазма юқори даражада ўтказилди.

**Иккинчи мисол:** 2024 йилда Франция мезбонлик қилган ёзги Олимпия ва Паралимпия ўйинларида мамлакатимиз спортчилари фаол иштирок этиб, тарихий натижаларга эришди. Яъни ўз тарихида илк бор энг кўп медаллар жамғарган Ўзбекистон бу борада катта ютуқларни қўлга киритиб келаётган 15 та пешқадам давлат сафидан ўрин олди.

Ўзбекистон Францияни дунёнинг сиёсий ва иқтисодий етакчиларидан бири деб билади. Франция Европа сиёсатида катта роль ўйнайди ва парламентаризм бўйича бой тажрибага эга. Шу маънода, Президентимиз бу галги давлат ташрифи доирасида Париж шаҳрининг Бурбон саройида Франция Миллий мажлиси Раиси Яэль Браун-Пиве билан учрашув ўтказгани алоҳида аҳамиятга эга.

Мулоқот аввалида Яэль Браун-Пиве хоним: “Парламент — француз демократиясининг юраги. Ўзбекистон Франциянинг дўсти, стратегик ҳамкори деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистонга яқин ҳамкор эканимиз билан ғурурланамиз.

Франция Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги минтақавий сиёсатини қўллаб-қувватлайди, бинобарин, кейинги йилларда минтақада мутлақо янги сиёсий муҳит вужудга келди. Ўзбекистондаги кенг кўламли ислоҳотлар ва уларнинг натижалари ҳам эътирофга сазовор. Бундай натижаларга биргина аниқ мисол — болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам берилди. Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаси кўплаб давлатлар учун ўрнак ва намуна бўлишга муносиб”, дея таъкидлади.

Шунингдек, Яэль Браун-Пиве хонимнинг фикрича, парламент дипломатияси, айниқса, парламентларимизнинг дўстлик гуруҳлари фаолиятини янги босқичга кўтариш лозим. Зеро, парламентлараро мулоқот давлатларимиз ўртасидаги стратегик ҳамкорликнинг “катализатори” бўлиши керак.

Ўзбекистон Президенти Франция парламенти Миллий мажлиси Раисининг фикрларини маъқуллар экан, “Мен ўзим ҳам 15 йил парламент аъзоси бўлганман, шунинг учун парламент ҳаётини ич-ичидан ҳис этаман, парламент — бу халқ уйи, халқ овози”, дея уқтирди. Парламент ислоҳотларимизнинг ҳуқуқий асосларини яратишда фаол иштирок этмоқда. Шу боис, янги таҳрирдаги Конституциямизда Президентнинг айрим ваколатлари парламентга берилди.

— Бундан икки йил аввал қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш юзасидан ўтказилган референдумда 85 фоиз сайловчи қатнашди, — деди Президентимиз. — Биз учун энг муҳими — халқ овозини эшитиш, халқимиз муаммоларини ҳал этишдир. Чунки янги Ўзбекистонда халқчил давлат қуряпмиз. Маҳалла институтига катта эътибор қаратмоқдамиз.

Ўзбекистон Президенти мамлакатимизда кечаётган демократик ислоҳотлар энди ортга қайтмас тус олганига эътибор қаратди. Қатъий сиёсий ирода билан одамларни бундай яшаш энди мумкин эмаслигига ишонтира олдик. Халқ бизга ишонгани учун ҳам ислоҳотларни қўллаб-қувватламоқда.

Янги Ўзбекистоннинг ислоҳотлар стратегиясида ҳамма учун тенг имкониятлар яратиш, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, халқ фаровонлигини ошириш ва аҳолига муносиб турмуш шароитини таъминлаш устувор йўналишлар ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, ҳақиқатан, бугунги кунда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан Франция Президенти Эммануэль Макрон бундан неча асрлар илгари яшаб ўтган шавкатли аждодларимиз Амир Темур ва Шарль VI орзуларини реал воқеликка айлантирмоқда.

Ўзаро суҳбат асносида Президентимиз учта аниқ таклифни олға сурди.

**Биринчиси,** Франция Миллий мажлиси Раиси ва француз депутатларни жорий йил апрель ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Парламентлараро иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеясида иштирок этиш учун мамлакатимизга таклиф қилди.

**Иккинчиси,** Ўзбекистон — Франция парламентлараро форумини ўтказиш таклифини билдирди.

**Учинчиси,** Ўзбекистон парламентининг Қонунчилик палатаси ва Франция парламентининг Миллий мажлисида Ўзбекистон — Франция дўстлик гуруҳлари қайта тузилгани муносабати билан уларнинг фаолиятини янги босқичга кўтариш муҳимлигини қайд этди.

Давлатимиз раҳбарининг таклиф ва ташаббусларини Франция томони тўла қўллаб-қувватлади. Учрашув якунида Ўзбекистон Президенти фахрий меҳмонлар китобида қайд ёзиб қолдирди.

Таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Франция Миллий Ассамблеяси ўртасидаги парламентлараро алоқалар жадал ривожланмоқда. Яқинда Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Франция Миллий Ассамблеяси билан парламентлараро ҳамкорлиги бўйича гуруҳ тузилгани, кейинги саккиз йил ичида парламентларимиз вакиллари ўртасида йигирмага яқин икки томонлама ташриф ва мулоқот ташкил этилгани бу фикримизни яққол тасдиқлайди.

Ўзбекистонда Барқарор ривожланиш мақсадларига мос келадиган 2030 йилгача бўлган стратегия изчил амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларини қўллаб-қувватлаш билангина чекланиб қолмай, ушбу мақсадларни амалга оширишга қаратилган муҳим ташаббусларни ҳам илгари сурмоқда.

> “Янги Ўзбекистоннинг ислоҳотлар стратегиясида ҳамма учун тенг имкониятлар яратиш, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, халқ фаровонлигини ошириш ва аҳолига муносиб турмуш шароитини таъминлаш устувор йўналишлар ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, ҳақиқатан, бугунги кунда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан Франция Президенти Эммануэль Макрон бундан неча асрлар илгари яшаб ўтган шавкатли аждодларимиз Амир Темур ва Шарль VI орзуларини реал воқеликка айлантирмоқда.

БМТ Бош Ассамблеяси “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги резолюцияни айнан Ўзбекистон ташаббуси асосида қабул қилди. Шу ўринда халқаро ҳамжамиятнинг олий минбаридан илгари сурилган ушбу таклифимизни қўллаб-қувватлагани учун француз ҳамкасбларимизга алоҳида миннатдорлик билдирамиз.

Бундан икки йил аввал янги таҳрирдаги Конституцияни қабул қилиш муносабати билан ўтказилган умумхалқ референдумида Франция парламенти Сенати аъзолари Р.Ришар ва А.Валлини халқаро кузатувчилар мақомида иштирок этганди. Шунингдек, Ўзбекистон Президенти сайлови жараёнларида халқаро кузатувчилар мақомида иштирок этган Франция — Ўзбекистон дўстлик гуруҳи раиси Э.Морей раҳбарлигидаги Франция парламенти Сенати делегацияси аъзолари билан 2023 йил 8 июлда сермазмун мулоқот қилганмиз.

Айни вақтда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси изчиллик билан амалга оширилмоқда. Юртимизда гендер тенглик, сўз ва эътиқод эркинлигини таъминлаш, қийноқларга қарши курашиш борасида аниқ ва самарадор қадамлар қўйилмоқда. Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга нисбатан ҳар қандай зўравонликка барҳам беришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда 2024 йил октябрь ойида парламент сайлови илк бор аралаш тизим асосида ўтказилди. БМТ тавсияларига мувофиқ, аёл номзодлар квотаси 40 фоизгача оширилди. Ислоҳотлар натижасида парламент қуйи палатасидаги хотин-қизлар 38 фоизга етди, бу кўрсаткич халқаро ташкилотлар тавсияларига ҳамоҳангдир.

Сайлов арафасида, 2024 йил 6-8 октябрь кунлари Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг камина раҳбарлигидаги делегацияси Парижда бўлганди. Биз ўшанда Франция кенг жамоатчилигига мамлакатимиздаги сайловнинг мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича маълумот бериш учун қатор учрашувларда қатнашганмиз.

Ўзбекистоннинг янги парламенти миллий қонунчиликни Конституция нормаларига мувофиқ янгилаш, дунёвий ва ижтимоий давлат тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш борасида фаол ишламоқда. Яқинда Фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳада давлат сиёсати концепцияси қабул қилинди.

Кейинги даврда сайёрамиздаги кескин иқлим ўзгаришлари, сув ва бошқа табиий ресурсларнинг камайиши жиддий муаммога айланмоқда. Ўзбекистон томони Франциянинг 2050 йилгача углерод нейтраллигига эришиш орқали Европани углеродсиз ривожланадиган дастлабки йирик иқтисодиётга айлантириш борасидаги ёндашувини, умуман олганда, ушбу ҳамкор мамлакатнинг экологияни асраб-авайлашга доир қатъий ва оқилона йўлини қўллаб-қувватлайди.

Бу ҳақда фикр юритганда, экология ва атроф-муҳит масалаларини биз ҳам инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг ажралмас қисми сифатида кўришимизни таъкидлаш ўринлидир. Бинобарин, қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқ янгиланган Бош қонунимизда алоҳида конституциявий нормалар билан мустаҳкамлаб қўйилди.

Яна бир муҳим қадам: Ўзбекистонда 2025 йил Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва “яшил иқтисодиёт” йили деб эълон қилинди. Мамлакатимиз Иқлим ўзгариши бўйича Париж битимига ва Орхус конвенциясига қўшилган. Иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал қилиш учун Президент ҳузурида Иқлим кенгаши тузилмоқда.

Ўзбекистонда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси амалга оширилаётганига уч йил бўлди. Ўз навбатида, қўшни ва қардош давлатлар билан ҳамкорликда Минтақавий иқлим стратегиясини амалга оширишга киришдик. Тошкентда Атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришларини ўрганиш бўйича Марказий Осиё университети ташкил этилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон БМТ томонидан ушбу соҳада қабул қилинган иккита муҳим резолюциянинг ташаббускори саналади.

Ҳозирги кунда инсоният жуда оғир даврни бошдан кечирмоқда. Халқаро муносабатларда ўзаро ишончга дарз кетмоқда, қарама-қаршилик ва можаролар тобора кучаймоқда, барқарорлик ва тараққиётга турли таҳдидлар хавф солмоқда. Афсуски, бу муаммолар Ўзбекистон ва Францияни ҳам четлаб ўтмаяпти.

БМТ 2025 йилни Халқаро тинчлик ва ишонч йили деб эълон қилгани бежиз эмас. Чунки мураккаб геосиёсий танглик, қуролли тўқнашувлар ва молиявий босим кучайиши глобал иқтисодий таназзулга сабаб бўлди. Ўз навбатида, бундай номақбул аҳвол ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун интилаётган миллионлаб одамларни чуқур таҳликага солиб, турли муаммолар гирдобига ташлади.

Шундай экан, БМТ ташкил топганининг 80 йиллиги нишонланадиган йилда дунё парламентлари ҳал қилувчи ўринни эгаллаши зарур. Миллий парламентлар бутун жаҳон миқёсида ҳар томонлама ҳамкорликни таъминлаш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, барқарор ривожланиш ва ишончни тиклашда алоҳида роль ўйнаши тақозо этилади.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон ташаббуси билан 5-6 апрель кунлари Парламентлараро Иттифоқнинг 150 йиллик юбилей ассамблеяси илк бор Марказий Осиё заминида — айнан Тошкент шаҳрида бўлиб ўтиши диққатга сазовор. Ассамблеянинг асосий мавзуси “Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати” экани ҳам бежиз эмас. Биз ҳамкасбларимиз, Франция парламенти аъзоларининг ушбу халқаро парламентарийлар форумида фаол иштирок этишига умид қиламиз.

Сўнгги йилларда Олий Мажлиснинг ҳар икки палатасига анъанавий қонун ижодкорлиги функцияларидан ташқари янада кенг ваколатлар берилди. Хусусан, ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан парламент назорати кучайтирилди, ҳукуматнинг ҳисоботлари мунтазам эшитиб борилмоқда.

Давлат қурилиши жабҳасидаги бундай замонавий ёндашув миллий парламентнинг юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллаётганидан далолат беради. Бинобарин, Ўзбекистон бу борада Франция билан тажриба алмашишдан манфаатдор.

Биз Франция билан эришилган парламентлараро ҳамкорлик даражасини қадрлаймиз. Икки мамлакат парламентларида парламентлараро дўстлик гуруҳлари фаолият кўрсатаётгани томонлар муносабатларнинг ушбу муҳим йўналишини ривожлантиришдан манфаатдор экани тасдиғидир. Ўтган давр мобайнида фаол ташрифлар алмашилди, хусусан, Ўзбекистон — Франция гуруҳи аъзолари ўртасида мунтазам равишда музокаралар ўтказилмоқда.

Энг асосийси, Президентимизнинг Францияга давлат ташрифи доирасидаги мулоқотлар асносида мамлакатларимиз қонун чиқарувчи органлари ўртасида тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш истиқболлари атрофлича муҳокама қилинди.

Бу борада илгари сурилган амалий таклифлар, хусусан, жорий йилда француз ҳамкасбларимиз иштирокида Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси қабул қилинганининг 30 йиллигига бағишлаб “Ўзбекистон — Франция: гендер тенгликни таъминлашда парламентнинг роли” парламентлараро форумини ўтказиш таклифи алоҳида эътиборга молик.

Европанинг қоқ юрагида жойлашган Франция билан ўзаро ҳамкорлик истиқболлари ҳақида сўз борганда, албатта, ушбу мамлакат сунъий интеллект бўйича глобал ҳамкорлик борасида нафақат қўҳна қитъада етакчи, балки бу борада бутун жаҳоннинг маркази ҳам эканини алоҳида қайд этиш даркор. Жорий йил февралида Франция ташаббуси билан “Сунъий интеллект соҳасидаги саъй-ҳаракатлар бўйича саммит” муваффақиятли ўтказилгани фикримизнинг амалий исботидир.

Аслида ҳам сунъий интеллект бутун дунёмизни ўзгартирмоқда. Бу шунчаки технология эмас, балки бизнинг яшаш, ишлаш ва ўзаро муносабатларимизни ўзгартиришларга чоғлаётган қудратли воситадир.

Ер юзида тинчлик, хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш учун сунъий интеллектдан унумли фойдаланиш зарурлиги борасида мамлакатларимизнинг ёндашувлари ўхшаш. Ўзбекистонда Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси амалга оширилмоқда. Шунингдек, Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти ташкил этилди.

Биз илм-фан соҳаси ва фуқаролик жамияти иштирокига асосланган сунъий интеллект технологияларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратиш керак деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун бу борадаги умумий стандартларни ишлаб чиқишда франциялик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликдан манфаатдормиз.

Давлатимиз раҳбарининг Францияга давлат ташрифи Ўзбекистоннинг мулоқот учун ҳар доим очиқлиги ва икки томонлама кун тартибининг барча йўналишлари бўйича ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ниятида қатъий ва собит эканига ўзига хос далилдир. Янада муҳими, ушбу олий даражадаги ташриф якунида имзоланган ҳамкорлик ҳужжатлари Ўзбекистон ва Франция давлатлари ўртасидаги шериклик ва дўстлик алоқалари ривожига шиддатли суръат ҳамда бой мазмун-моҳият бағишлайди.

Хулоса қилиб айтганда, халқаро ва давлатлараро муносабатларда ўзаро ишонч йўқолиб бораётган бугунги таҳликали ва нотинч даврда Франция билан стратегик ҳамкорликни ниҳоятда қадрлаймиз. Икки томонлама, минтақавий ва глобал муаммолар юзасидан қарашларимиз яқинлиги ҳам жуда муҳим. Бу омилларнинг барчаси, ўз навбатида, ҳамкорликнинг бошқа соҳалари қатори парламентлараро муносабатларимизни ҳам янги босқичга кўтаришни тақозо этади.

# СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК БАРЧА СОҲАЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

**Замонавий рақамли технологиялар, айниқса, сунъий интеллект дунё давлатлари учун янги имкониятларни яратибгина қолмай, янги мураккабликларни ҳам туғдиради.**
**Сунъий интеллект технологиялари билан боғлиқ муаммоларга нафақат дунёдаги етакчи давлатлар, балки ривожланаётган мамлакатлар ҳам катта қизиқиш билан эътибор қаратмоқда. Хусусан, Франция Европанинг етакчи технологик марказларидан бири сифатида сунъий интеллект соҳасида ўзига хос ютуқларга эришмоқда. Бу борада бошқа давлатлар билан изчил ҳамкорлик қилмоқда.**

Францияда сунъий интеллект тадқиқотлари ва инновацияларни қўллаб-қувватловчи йирик марказлар, университетлар ва технопарклар мавжуд. Мамлакат ҳукумати сунъий интеллект технологиялари ривожини давлат стратегияси сифатида кўради. Хусусан, 2018 йилда бу борада ташаббусини бошлаб, соҳага миллиардлаб евро маблағ ажратди. Бундан ташқари, Париж дунёнинг энг йирик сунъий интеллект стартаплари ва халқаро ҳамкорликлар марказига айланган.

Франциянинг етакчи олий таълим даргоҳлари сунъий интеллект бўйича дунёга машҳур тадқиқотлар олиб боради.

Ўзбекистон ҳам кейинги йилларда рақамли трансформация ва технологик ривожланишга катта эътибор бермоқда. Мамлакатда сунъий интеллект, маълумотлар таҳлили ва автоматлаштириш соҳаларида янги лойиҳалар амалга оширилмоқда.

“Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси қабул қилиниб, сунъий интеллект ва бошқа замонавий технологияларни жорий этиш мақсад қилинган. Шунингдек, сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралда “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Ушбу ҳужжат доирасида қишлоқ хўжалиги, банк, молия, транспорт, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, энергетика, солиқ ва бошқа устувор тармоқларда сунъий интеллектни жорий этиш бўйича тажриба-синов лойиҳалари амалга оширилди.

Мазкур ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси



Президентининг 2024 йил 14 октябрда “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, сунъий интеллект асосида яратилган дастурий маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар ҳажми 1,5 миллиард долларга етказилади.

Ягона интерактив давлат хизматлари порталида сунъий интеллект асосида кўрсатилаётган хизматлар улушини 10 фоизга етказиш мақсад қилинган. Сунъий интеллект йўналишида фаолият юритувчи илмий лабораториялар сонини ўнтага етказиш ҳамда юқори қувватли ҳисоблаш серверларини ишга тушириш кўзда тутилган.

Тарихдан маълумки, Ўзбекистон ва Франция ўртасида Амир Темур давлатчилиги пайтида ҳам ўзаро алоқалар бошланган ва элчилар орқали мактублар алмашилган. Ватанимиз мустақилликка эришгач, Ўзбекистон дунёнинг турли мамлакатлари билан бўлганидек, Франция билан ҳам сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни ўрнатди.

Шу билан бирга, 2025 йилнинг 10 мартида Франциянинг Париж шаҳрида “Илм-фан ва таълим: Ўзбекистон — Франция кўприги” анжумани ташкил этилди. Мазкур анжуманда икки давлатнинг нуфузли олий ўқув юртлари ректорлари, таълим ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Унда таълимда инновацион технологиялар бўйича тажриба алмашиш, олий таълим муассасалари ўртасида янги ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, халқаро тажриба асосида таълим дастурларини такомиллаштириш бўйича муҳокамалар ўтказилди.

Ўзбекистон ва Франциянинг сунъий интеллект борасидаги ҳамкорлиги кўплаб йўналишларда амалга оширилиши мумкин. Хусусан, Франциянинг етакчи университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликда Ўзбекистонда сунъий интеллект бўйича мутахассислар тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Магистратура ва докторантура дастурларини жорий этиш, ўқитувчилар ва талабалар учун алмашинув дастурларини ташкил этиш ҳам яхши самара беради. Илмий-тадқиқот ва инновациялар йўналишида эса икки мамлакат илмий марказлари ўртасида қўшма лойиҳалар ҳамда тадқиқотлар олиб бориш лозим. Шунингдек, Франциянинг технологик экотизими ва Ўзбекистондаги ёш стартаплар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, қўшма форумлар, кўргазмалар ва тренинглар ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон ва Франция ўртасида сунъий интеллект бўйича ҳамкорлик нафақат икки мамлакат, балки бутун дунё учун фойдали бўлиши мумкин.

**Бахтиёр МАҲКАМОВ,**
**Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ректори, профессор**

**ЎзА**



# КЎЧМАС МУЛКНИ ОММАВИЙ БАҲОЛАШ ТИЗИМИ

## ШАФФОФЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ САРИ МУҲИМ ҚАДАМ

**Халқаро тажрибага кўра, кўчмас мулк бозорининг аниқ, шаффоф ва мунтазам янгиланиб борувчи баҳолаш тизими иқтисодий ўсишнинг асосий драйверларидан биридир. АҚШ, Канада, Буюк Британия, Германия ва Жанубий Корея каби давлатларда кўчмас мулкни оммавий баҳолаш механизми йўлга қўйилган.**

Бугуннинг гапи



Ушбу тизим кўчмас мулк бозорининг ҳаққоний қийматини белгилаш орқали фуқаролар ва тадбиркорлар учун молиявий барқарорликни таъминлайди. Солиқ юкининг адолатли тақсимланиши, мулкни гаровга қўйиш, олди-сотди қилиш ва инвестициявий жараёнларда ишончли маълумотлар манбаи сифатида хизмат қилади.

Тўғри, мамлакатимизда ҳам бу жараён қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Лекин аксарият нормалар эскирган, бугуннинг талабларига жавоб бермайди. Қисқаси, тўғридан тўғри ишлайдиган, яхлит тизим ва механизмга эҳтиёж юқори. Президентимизнинг жорий йил 5 мартдаги "Кўчмас мулкни оммавий баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида"ги фармони хусусий мулк ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ва бизнес муҳитини яхшилаш йўлидаги муҳим ташаббуслардан бири бўлди. Чунки фармон билан кўчмас мулк объектларининг бозор нархига яқин қийматини аниқлашнинг замонавий усуллари ва механизмларини жорий этиш ҳамда кенг қўллаш, аҳоли ва тадбиркорларнинг иқтисодий активлари ўсиб бориши учун қулай шарт-шароит яратишнинг асосий мақсадлари белгиланди. Хусусан, 8 миллиондан ортиқ турар ва нотурар жой, 7 миллионга яқин ер участкасининг иқтисодий актив сифатидаги қийматини аниқлаш, кўчмас мулк объектининг солиқ солиш, олди-сотди қилиш, гаровга қўйиш, жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ва бошқа ҳолатларда аниқланадиган қиймати ўзаро мутаносиб бўлиши таъминланади.

Бу эса, ўз навбатида, кўчмас мулк бозорига оид ишончли, тўлиқ ва даврий янгиланиб борадиган ахборот базасини яратиш, солиқ солишда адолат тамойилини кенг жорий этишга хизмат қилади.

— Бугун бозорда кўчмас мулкнинг давлат томонидан белгилаб берилган ёки қандайдир тартибга солинган аниқ механизми йўқ, — дейди Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бўлим бошлиғи Азизжон Рашидов. — Демак, фуқаро ўзига тегишли кўчмас мулкнинг ҳақиқий баҳосини билмоқчи бўлса, тахминий қийматлардан келиб чиқишга мажбур. Энди бу жараён давлат томонидан тартибга солиниши билан, аввало, ҳар бир кўчмас мулк объектининг бозорга яқинлаштирилган расмий қиймати аниқ бўлади. Қолаверса, бу иқтисодий муносабатларда, яъни олди-сотди қилиш, давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда аниқ қиймат белгиланишида катта аҳамиятга эга.

Бу янгилик нимаси билан муҳим?

Биринчи навбатда, давлат томонидан расмий маълумотларга асосланган, унга суяниш мумкин бўлган маълумотлар базаси шакллантирилади. Бу база кўмагида биз кейинчалик кўчмас мулк объектлари таҳлилини юритамиз. Янгилаб борамиз ва шу асосда ҳар бир объект учун қанақа қиймат белгиланиши ва қандай нархда бўлиши кераклиги ҳақида аниқ маълумотга эга бўламиз.

Экспертлар таъкидлаганидек, кўчмас мулкни оммавий баҳолаш тизими иқтисодий тараққиёт ва шаффофликни таъминлаш сари муҳим қадамдир. Фармонга кўра, 2025 йилдан бозор нархига яқин қийматини аниқлаш мақсадида барча кўчмас мулк объектлари босқичма-босқич оммавий баҳолашдан ўтказилади.

— Кўчмас мулкларни оммавий баҳолаш бирор-бир ҳудуддаги мулкларни гуруҳлаш билан бошланади, — дейди Кадастр агентлиги бошқарма бошлиғи Беҳзод Нишонов. — Бу мулклар турига кўра алоҳида гуруҳларга ажратилади. Масалан, бирор ҳудуддаги ғишт ёки бетондан қурилган икки хонали хонадонларни олайлик. Белгиланган тартибда объектларнинг квадрат метрига қараб қиймати чиқарилади. Унга турли кўпайтирувчи, пасайтирувчи коэффициентлар қўлланади. Бу жараён бир вақтнинг ўзида бутун бир ҳудуддаги кўчмас мулкларни қамраб олиши кўзда тутилмоқда. Энг муҳими, қисқа муддатда бу кўчмас мулкнинг бозор баҳосига яқин қиймати аниқланади.

Оммавий баҳолашлар 2025-2026 йилларда — эксперимент тариқасида Тошкент шаҳрида, 2026-2027 йилларда Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида, 2027 йил ва ундан кейинги йилларда қолган ҳудудларда ўтказилади. Жараённинг тадрижий амалга оширилиши соҳадаги хато ва камчиликларни бартараф этиш, энг муҳими, халқаро стандартларга мос тизимни шакллантириш имконини беради.

Фармонга биноан, Кадастр агентлиги ҳузурида Кўчмас мулкни оммавий баҳолаш миллий маркази ташкил этилади. Соҳада ягона давлат сиёсати юритиш мақсадида масъул органларнинг ваколатлари қатъий белгилаб қўйилди. Айни пайтда бу борада аҳолида ҳам баъзи саволлар туғилмоқда. Жумладан, бу жараён солиқ ставкалари кўтарилиб кетишига сабаб бўлмайдими?

— Бозор нархига асосланган кўчмас мулк объектлари қийматининг жорий этилиши солиқ тизимида ҳам ўзгаришларга сабаб бўлади, — дейди Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бош мутахассиси Муҳиддин Холмуродов. — Табиийки, солиқ солиш базаси, яъни кўчмас мулк ёки ер участкаси қийматидан ундирилади. Фармон билан жорий йилнинг 1 декабригача Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Тошкент шаҳридаги эксперимент натижасидан келиб чиқиб, оммавий баҳолаш ўтказилган объектлар бўйича мол-мулк ва ер солиғи ставкаларини пасайтириш борасида ҳукуматга таклиф киритади.

Янги механизм кўчмас мулк бозори шаффофлигини таъминлаш, адолатли солиқ тизимини шакллантириш, бизнес ва хусусий мулкчиликни ривожлантириш нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга. Мазкур ташаббус миллий иқтисодиёт ривожи билан бирга мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

**Лутфулла СУВОНОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

Янгича ёндашувлар

**Мамлакатимизда 183,7 минг километрдан ортиқ суғориш тармоғи мавжуд бўлиб, уларнинг 13,1 фоизи бетон қопламали, 76,3 фоизи тупроқ ўзанли ва 10,6 фоизи бетон ариқлар (лоток)дан иборат. Ҳозирги кунда кластер ва фермер хўжаликлари тасарруфидаги суғориш тизимлари асосий воситаларининг 25-30 фоизи таъмирталаб ҳолга келган. Ўртача гидрологик сув таъминотида суғориш тизимининг бир гектар майдондаги экинга сув етказиб беришининг ишончлилик ҳолати 30-35 фоизни ташкил этади.**

# КОМПОЗИТ МАТЕРИАЛЛИ СУҒОРИШ АРИҚЛАРИ

## сув тақчиллиги ортиб бораётган ҳозирги шароитда жуда зарур маҳсулот

Юртимиздаги аксарият сув хўжалиги инфратузилмаси объектларининг хизмат кўрсатиш муддати 40-45 йилдан ортиб, техник ҳолати йилдан йилга ёмонлашмоқда. Хусусан, ирригация тизими каналларининг тупроқ ўзанли қисми сувнинг фильтрацияси ҳисобига емирилиш хавфи остида. Бундан ташқари, 77 фоиз канал таъмирлаш ва тиклашга, 20 фоизи эса реконструкцияга муҳтож.

Шунингдек, кластер ва фермер хўжаликлари ҳудудларидаги тупроқ ўзанли суғориш тармоқларининг 44 фоизи таъмирланиб, тикланиши, 10 фоизи реконструкция қилиниши зарур. Мавжуд лоток тармоқларининг асосий қисми 35-40 йилдан зиёд хизмат кўрсатиб, уларнинг ҳам 70 фоизи шундай ҳолатда.




Ирригация тизими ва суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффициенти ўртача 0,65, айрим жойларда эса ундан ҳам паст ҳамда асосий манбалардан олинадиган сувнинг 35-40 фоизи суғориш тармоқларида йўқотилмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда сув хўжалигини ислоҳ қилиш, сувдан оқилона фойдаланиш, бу борада тежамкор технологияларни жорий этиш фаол қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, 2024-2026 йилларда 2998 километр канал, 627 километр лоток тармоқлари, умумий сув чиқариш қобилияти 86,7 куб метр секунд бўлган насос станциялар, 206 та суғориш қудуғи, 286,7 миллион куб метр ҳажмдаги сув омборлари ҳамда бошқа сув хўжалиги объектлари қурилиб, реконструкция қилиниши белгиланган. Натижада ирригация тармоқларининг техник ҳолати яхшиланиб, каналлар ва суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффициенти 0,64 дан 0,69 га етказилади, 795,9 минг гектар суғориладиган майдоннинг сув таъминоти яхшиланади.

Ҳозирги кунда республикамизда бир миллион гектардан ортиқ суғориладиган майдонга сув 19,5 минг километр узунликдаги темир-бетон лотоклар орқали боради. Шу билан бирга, 2131 километр узунликдаги лоток тармоқлари носоз. Оқибатда ушбу тармоққа боғланган 86,3 минг гектар экин майдонини сув билан таъминлаш имконияти йўқолиб, улар қишлоқ хўжалиги айланмасидан чиқиб кетяпти.

Мамлакатимизда қурилиш материаллари, цемент, сунъий тош ва йиғма қурилиш блокларини ишлаб чиқарувчи 512 та корхона мавжуд бўлиб, улар томонидан 2021-2023 йилларда турли ҳажм ва шаклдаги 6507 минг дона темир-бетон буюм, 1830 минг куб метр газобетон блок ишлаб чиқарилган. Бу кичкина рақам эмас. Лекин сув хўжалиги учун суғориш лотокларини ишлаб чиқарувчи корхоналар сони атиги 12 тани ташкил этади. Уларнинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 52,6 минг дона ёки 316 километрдан иборат. Сув хўжалиги соҳасида 4,3 минг километр лоток тармоғини алмаштириш зарурлигини инобатга олсак, масалага жиддий эътибор қаратиш кераклиги янада аёнлашади. Чунки айнан лоток тармоғидаги шундай ҳолатлар экин майдонларига сув ўз вақтида кафолатли етиб боришига салбий таъсир қилмоқда. Ортиқча исрофгарчиликка сабаб бўлмоқда.

Ўрганишларга кўра, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларида авария ҳолатида бўлган лоток тармоқларини тиклаш учун камида 15 йил талаб этилади. Темир-бетон лотоклар совуқ ҳавода музлаш ва эриш, иссиқда эса намланиш ва қуриш билан боғлиқ ўзгарувчан динамик омиллар таъсирида бўлади. Бу ҳолат бетон ва арматура бирлашган жойда кучланиш ортишига ҳамда ариқнинг турғунлик ва ишончлилик ҳолати пасайишига сабаб бўлади. Яъни бетон ва арматуранинг ўзаро кучланиши лотокнинг кўндаланг кесими бўйича чўзилишига олиб келади ва уни муддатидан олдин ишдан чиқаради. Бу ҳолат илм-фан ютуқлари асосида лоток тармоқлари материали ва тузилишини такомиллаштиришни талаб этади. Айни шу жиҳатлар эътиборга олинган ҳолда Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти базасида суғориш лотокларини ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган композит материаллар таркиби ва лотоклар тузилиши такомиллаштирилди.

Тажриба тариқасида 8 хил таркибли композит материаллардан ЛК-100, ЛК-80 ва ЛК-60 туридаги 1820 метр узунликда лотоклар ишлаб чиқарилди. Композит лотоклар Сирдарё вилоятининг Сардоба туманидаги "Indorama Agro" МЧЖга қарашли 60 гектар суғориладиган майдонда тажриба тариқасида ўрнатилди. Лотокларнинг таркиби, элементларининг турли табиий омиллар таъсирига чидамлилигини ўрганиш бўйича 2020-2024 йиллар давомида илмий тадқиқотлар қилинди. Тадқиқот натижалари асосида композит лотоклар материалларига, тузилиш элементларига, тайёрлаш технологияси, ташилиши, монтажи ва эксплуатациясига қўйиладиган талаблар бўйича меъёрий ҳужжат лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилди.

Жаҳон банки иштирокидаги Ўзбекистоннинг миллий инновацион тизимини модернизация қилиш (MUNIS) лойиҳаси доирасида ўтган йилнинг октябрь ойида Сирдарё вилоятида композит материалли ЛК-60, ЛК-80 ва ЛК-100 суғориш лотоклари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Хўш, улар қандай афзалликка эга?

Аввало, композит материалли лотокларда гидравлик қаршилик кўрсаткичлари пастлиги сабабли темир-бетон лотокларга нисбатан босим йўқолишлари 5-10 фоиз камаяди. Уларни ташиш, қуриш ва реконструкция қилиш учун сарф-харажат 55-60 фоиз арзон тушади. Полиэфир смоласи асосида тайёрланган лотокларнинг ҳароратга бардошлилик чегараси $-50^{o}$C дан $+195^{o}$Сгача. Композит материалли лотокларнинг сув сингдириш хусусияти 0,88 фоиз бўлиб, бу кўрсаткич темир-бетон лотоклардагига нисбатан 4,8-5,5 марта кам. Шу сабабли сув фильтрацияси юзага келмайди ва беҳуда йўқотишларнинг олди олинади. Композит материалли лотокларнинг хизмат кўрсатиш муддатлари ўртача ярим асрдан зиёд.

MUNIS дастурининг "Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларига бизнес-инвестиция" (BIRD) сублойиҳаси доирасида ишлаб чиқилаётган полиэфир смоласи асосидаги лотоклар ҳаво ва сув ҳарорати ўзгаришларига ҳамда сув оқимининг динамик таъсирларига чидамли. Уни ҳар қандай шароитда, яъни қишда ва ёғингарчилик вақтида ўрнатиш мумкин.

Композит материаллардан тайёрланадиган арзон, икки қатламли лотокларнинг узунлиги истеъмолчилар талабига кўра 3 метрдан 6 метргача бўлиши мумкин. 3 метрли лотокларнинг ўртача оғирлиги атиги 25-30 килони ташкил этади. Мазкур лотокни сотиб олиш ва ариқларга ўрнатиш харажатлари ариқларни бетонлашдан 20-25 фоиз арзон тушади.

**Илҳомжон МАҲМУДОВ,**
**техника фанлари доктори,**
**профессор**

# ЯНГИЛИК ВА ЯХШИЛИККА ЧОРЛАЁТГАН БЕДОРЛИК

## ёхуд Файзиқул ака ўз маҳалласини қандай ўзгартира олди?

**Дўстлик, Пахтакор, Жиззах (ҳозирги Шароф Рашидов) туманларида кўп йиллар агроном, хўжалик раҳбари бўлиб ишлаган Файзиқул Муртазоқулов пенсияга чиқсам, бир кун ҳам ишламайман, шогирдларимга йўл бераман деб аҳд қилган эди. Аҳдининг устидан чиқди. Ишдан бўшагани ҳақидаги буйруқдан кўчирма олиб уйига келди. Эрталаб фарзандлари ишга, набиралари ўқишга кетади. Файзиқул ака нима қилишни билмай маҳаллага чиқди. У ерда ўзига ўхшаган уч-тўрт бекорчи кимнингдир тўйини ёки оиласидаги кўнгилсизликни муҳокама этиб ўтирганини кўриб, жаҳл билан чопони этагини қоқди-да, уйига қайтди.**

Ташаббуслар қанотида



Бозордан 3-4 та қўй олиб, шуларнинг ем-хашагини бериб, тагини супуриб, эрмак қиларди. Ҳовлисидаги дарахтларга бошқа турлардан пайванд солиб, ҳосилини яхши ўқиган набираларига мукофот қилиб берарди. Мудом қайноқ меҳнат қучоғида юрган, вилоятдаги хўжаликларга минглаб кўчат тайёрлаб берган, ҳудудларни кўкаламзорлаштиришда иштирок этган, юз гектарлаб иссиқхоналар бунёд қилган одамга шу ҳам иш бўлибдими?! Пенсияга чиққанимдан кейин ҳеч ерда ишламайман, деб катта гапириб қўйганига пушаймонда эди у. Бирорта ташкилотга боғбонликка ўтиб, қимирлаб турса бўларкан! Шу орада йиққан-терганини жамлаб, ҳаж зиёратига ҳам бориб келди.

Эсида, 2018 йилда у яшаётган Тошкентлик маҳалласида Шароф Рашидов туманига Президент келиб, ижтимоий-иқтисодий вазият билан танишар экан, деган гап тарқалди. Бу гап рост экан, меҳнат фахрийси сифатида давлат раҳбари билан бўладиган учрашувга уни ҳам таклиф қилишди.

Шавкат Мирзиёев машинадан тушиб, тўғри нуронийлар саф бўлиб турган томонга юрди. Президент жиззахлик кексаларнинг ҳар бирини танирди, шунинг учун улар билан қалин сўрашди. Навбат Файзиқул акага келганида унинг саломлашиш учун узатган қўлини қўйиб юбормай, бир четга бошлади.

— Кўринишингиздан ҳали жуда бардамсиз! — деди Президент салом-аликдан сўнг. — Маҳаллангиздан ер ажратиб берсак, чиройли иссиқхона қурсангиз. Сизни кўриб бошқалар ҳам ҳаракатга тушиб қоларди. Вилоят, туман раҳбарлари техникадан ёрдам қилади. Иссиқхона бўлганда ҳам кирган одам баҳра оладиган жой бўлсин. Сиз бундай иншоотларнинг қанчасини қургансиз ёки қўлингиздан келмайдими, тортинмай айтаверинг.

— Қураман, керак бўлса, бошқаларникидан ўн баравар яхши иссиқхона қураман, — деб жавоб берганди Файзиқул ака ҳаяжон билан.

— Президент билан нима ҳақда гаплашдингиз? — дея сўраганларга у сирли жилмайиб қўярди.

Давлатимиз раҳбари ташрифидан кейин вилоят ва туман ҳокимликлари вакиллари келди. Унга уйидан анча узоқ жойдан ер ажратишибди. Файзиқул ака у ердан иссиқхона қуришга рози бўлмади. Негаки жой уйидан анча узоқ бўлиб, бориб-келгунча бир кун ўтади.

— Берсанглар, мана бу жойдан қураман, — деган Файзиқул Муртазоқулов ўз ҳовлисининг орқа томонидаги чиқиндихонани кўрсатиб.

"Бу ерни чиқиндидан тозалашга бир йил кетади, эплай олмайсиз", деган туман мутасаддилари уни қароридан қайтаришга анча уриниб кўрди. Аммо у сўзида қатъий туриб олди, ноилож шу жойни ҳужжатлаштириб беришди.

Иссиқхонани қуриб битказаётганда Президентимизнинг 2018 йил 26 апрелдаги "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, томорқаларда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, ишламаётганларга ўзини ўзи банд қилиш имкониятлари яратилди.

Иссиқхона тупроғи алмаштирилиб, маҳаллий ўғит солинган ерга дастлаб помидор ва бодринг экилди. Ҳосилдорлик кўзланганидан ҳам юқори бўлди. Ҳосилнинг анча қисми деҳқончиликдан "капсан" деб маҳалладаги даромади камроқ оилаларга тарқатилди.

Кейинги пайтда Файзиқул аканинг уйқуси қочди. Гоҳида ярим кечаси елкасига чопонини ташлаб, иссиқхонага кириб кетиб, қоғоз-қалам қиладиган одат чиқарди. Кундузлари эса кимларгадир қўнғироқ қилиб, қандайдир кўчатларни суриштиради. Фарзандлари ҳайрон.

— Дадам иссиқхона қургандан бери биров кўтариб кетмасин деб қўриқлаб чиқаётганга ўхшайди, — дея кулишарди.

Эҳ болалар-а, боғбон ўйларию ташвишларини сизлар қаердан ҳам билардингиз? Ҳақиқий боғбон ўз боғининг ягона ва гўзал бўлишини истайди. Шунинг учун турли ғоялар ортидан қувлайди, тунларни бедор ўтказади.

Файзиқул ака ниҳоят излаган нарсасини топди. Шу куни иссиқхонани қайта қуришга тушди. Яна тупроғини алмаштириб, ўғитлади, бир текис қилиб пушта олди. Кейин 120 туп лимон, мандарин ва апельсин дарахтларининг ноёб турларини олиб келиб экди.

— Дастлаб бу кўчатлар 10-15 килодан ҳосил берган бўлса, 2024 йилда ҳар тупидан 30 килодан мева териб олдик. Дарахтлар каттарган сари ҳосилдорлиги ҳам ошиб бораверади. Яқинда телевизорда Асака туманида бананнинг серҳосил турини етиштираётган юртдошимиз ҳақида кўрсатув берилди. Қани энди қанотим бўлса-ю, учиб бориб, шу кўчатдан 4-5 тупини олиб келсам, — деди биз билан суҳбатда Файзиқул ака.

Унинг айни пайтда ҳосилни қайси бозорларда, қандай нархларда сотаётганини суриштирдик.

— Иссиқхонада етиштирилаётган мевалар тўлиқ мактабгача таълим ташкилотларига берилмоқда. Фарзандларимиз табиий тоза маҳсулотлар истеъмол қилса, соғлом бўлади. Янги иссиқхона қурганларга кўчат тайёрлаб беряпман, уларни парваришлаш йўлларини ўргатаман, тушунтираман, — дейди Файзиқул ака.

Ишлаган одамнинг танаси яйрайди, миясида янги ғоя ва ўйлар чарх ура бошлайди.

— Бир куни маҳалла гузарига чиқиб, одамларни кузатдим. Мендан ўн ёш кичик маҳалладошларимнинг мункиллаб қолганини кўриб ҳайратга тушдим. Менга қолса, уларнинг ҳаммасини сафга тизиб, кунига юргизардим. Ҳаракатсизликдан айримлари семирибди, айримлари эса ҳасса ушлаб олибди. Шунда янги қурилаётган бинога тренажёрлар олиб келиб ўрнатишга қарор қилдим.

Ҳақиқатан, Файзиқул ака 5-6 хил тренажёр олиб келиб ўрнатибди. Тез орада уни ишга тушириб, маҳалладошларини соғломлаштиришга ҳисса қўшади.

— Ўзингиз ҳам кириб турар экансиз-да бу масканга, — деймиз унинг ғайратига тан бериб.

— Мана менинг тренажёрим, — деди у иссиқхона ёнида турган кетмонни кўрсатиб. — Яқинда бир қариндошимиз шукроналик ошига таклиф этди. Ошдан олдин барча меҳмонлар олдига бир донадан Жиззах сомсасидан уч баробар кичик сомсалар қўйиб чиқишди. Сомса жуда мазали, барчага манзур бўлди.

Ўша куниёқ у янги сомсахона қурилишини бошлаб юборди. Рамазон ойи арафасида сомсапазлик шохобчаси ҳам ишга туширилди.

— Маҳалладошларим ифторликда бизнинг сомсани тановул қиляпти, — дейди тадбиркор бобо.

Файзиқул Муртазоқуловнинг қадамидан ўт чақнаётганини кўрган одамлар унинг етмишдан ошиб, саксонни қоралаётганига ишонмайди. Бир қарасанг, ҳовлисидаги янги экилган кўчатлар орасида токқайчи ушлаб юрган, бир оздан кейин эса қўйларга хашак ташлаётган бўлади.

— 2024 йилнинг сўнгги кунлари ўтаётган эди, дадам бизни йиғиб, янги йилни қандай кутиб оламиз, деган саволни ўртага ташлади, — дейди катта ўғли Пўлатжон. — Ҳар биримиз таклифларимизни айтдик. "Болаларим, Яратганга шукр, ўзимизда ҳамма нарса етарли. Лекин маҳалламизда фарзандларига байрам дастурхони тузашга қийналаётганлар ҳам бор. Улар шундай аҳволда бўлса-ю, биз қандай қилиб хурсандчилик қиламиз?" деди дадам. Ҳаммамиз ўтириб, шундай оилалар рўйхатини тузиб чиқдик. Кейин бозорга бориб, озиқ-овқат маҳсулотлари, болалар учун ширинликлар олиб келиб, рўйхатимиздаги 50 та оилага тарқатиб чиқдик.

Кейинги пайтда Файзулла ака яна уйқусини йўқотди. У ёнидан қўймайдиган дафтарида нималарнингдир ҳисобини қила бошлади.

Бу тиниб-тинчимас ҳожи яна бир нарсани бошламоқчи, демоқда маҳалладагилар.

Файзиқул ака бедорми, демак, яна бир янгилик, яхшилик бўлади.

**Асад МУСТАФОЕВ,**
**журналист**

КОРРУПЦИЯ – жамият танасидаги саратон

# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ – УМУММИЛЛИЙ ВАЗИФА

## БИРГАЛИКДА ЯГОНА КУЧ БЎЛИБ ИЖОБИЙ САМАРАГА ЭРИШАМИЗ



**Мирзаюсуп РУСТАМБОЕВ, Жамоат хавфсизлиги университети бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор**

**Янги Ўзбекистондаги кенг кўламли стратегик ислоҳотлар ҳал қилувчи босқичга кираётган бугунги шароитда тараққиётга ғов бўладиган ҳар қандай иллатга нисбатан муросасиз курашиш ҳар биримизнинг виждон ишимиз, кундалик ташвишимизга айланиши лозим. Зеро, коррупцияга қарши курашиш ҳар бир соф виждонли инсон, демократик жамият ва давлатнинг муқаддас бурчидир.**

Коррупция, аввало, мамлакатнинг барқарор ривожланиши, хавфсизлиги ва порлоқ келажаги учун жиддий таҳдиддир. Шу йил 5 март куни Президентимиз раислигида Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилишида мазкур иллатга “жамият танасидаги саратон” дея таъриф берилиб, коррупцияга қарши кураш умуммиллий вазифа, ҳар бир ватанпарвар юртдошимизнинг виждон иши экани, бу жараёндан ҳеч ким четда турмаслиги кераклиги алоҳида қайд этилди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда коррупциянинг олдини олишга қаратилган муҳим превентив механизмлар яратилиб, давлат бошқарувида бюрократияни камайтириш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, давлат хизматларини кўрсатиш сифатини яхшилаш, рақамлаштириш орқали инсон омилини қисқартириш борасидаги чора-тадбирлар коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатининг муҳим элементлари бўлиб хизмат қилди.

Коррупциянинг салбий оқибатлари ва зарари — унинг демократия ва инсон ҳуқуқлари институтлари мустаҳкамланишига жиддий путур етказиши, кенг жамоатчиликда ҳокимиятга ишончни сўндириши, жамиятдаги тинчлик, осойишталик, адолат, қонун устуворлиги каби ижтимоий-ҳуқуқий қадриятлар бузилишига олиб келиши, бозор иқтисодиёти қонуниятларининг бузилиши, яширин иқтисодиётнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига замин яратиши, давлат бюджетига жиддий зарар етказиши орқали мамлакат тараққиёти учун улкан ғов ва кўринмас тўсиқ бўлиши билан хатарлидир.

Бундан ўн аср муқаддам улуғ аллома Абу Наср Форобий фуқаролик жамиятини қуришда тўғоноқ бўладиган муаммолардан бири коррупциядир деб бежиз қайд этмаган.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, бизнинг жамиятда бу иллатга мутлақо ўрин бўлмаслиги учун қаттиқ курашамиз. Мана шундай принципиал қараш жамиятимиз ҳаётида мустаҳкам қарор топиши учун барчамиз биргаликда қатъий ҳаракат қилишимиз керак. Шундай экан, коррупцияга қарши курашга барча сафарбар этилиши зарур. Унинг ҳар қандай кўринишига муросасиз бўлиш кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши шарт.



> **Рақамларга эътибор қаратсак, биргина 2024 йилда коррупция соҳасида 5716 та жиноят содир қилиниб, 6898 шахс жавобгарликка тортилганини кўрамиз. Ачинарлиси, мазкур жиноятларнинг энг кўпи мактабгача ва мактаб таълими (11,6 фоиз), соғлиқни сақлаш (9,2 фоиз) ҳамда камбағалликни қисқартириш ва бандлик тизимида (7,8 фоиз) содир қилинган. Коррупцион жиноятлар оқибатида давлат манфаатига 12,4 триллион сўм зарар етказилган. Шундан бор-йўғи 4,2 триллион сўми (34 фоизи) ундирилган.**

### Ҳуқуқий асослар, очиқлик сиёсати ва халқаро ҳамкорлик

Янги Ўзбекистонда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича аниқ тизим яратилди, алоҳида қонунлар қабул қилинди. 2017 йилдан кейинги туб ислоҳотлар натижасида коррупциянинг олдини олиш юзасидан умумэътироф этилган миллий модель яратилди. Бунинг самараси халқаро рейтингларда кўрина бошлади.

Энг аввало, коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Булар, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги, янги таҳрирдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги, “Давлат харидлари тўғрисида”ги, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги, “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа қатор қонуности ҳужжатларда ўз аксини топди.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик кучайтирилиб, Маъмурий жавобгарлик, Жиноят ва жиноят процессуал кодексларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар орқали жазо муқаррарлиги белгилаб қўйилди. Шу билан бирга, Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурлари тасдиқланиши, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилгани тизимли ислоҳотларнинг ҳал қилувчи натижаларидан бўлди.

Жамиятда коррупция муаммосини жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқадиган тизим, очиқ муҳит яратилгани, айниқса, оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётганини коррупцияга қарши курашиш борасидаги энг муҳим ислоҳотлардан бири сифатида қайд этиш мақсадга мувофиқ. Шу боис, Ўзбекистоннинг очиқлик бўйича халқаро рейтинглардаги ўрни 138 поғона яхшиланиб, Марказий Осиёда 1-, дунёда 30-ўринга кўтарилгани амалий ишларнинг яққол ифодасидир. Бу борада мамлакатимизнинг 2021 йилда Халқаро очиқ маълумотлар хартиясига аъзо бўлгани, Истанбул ҳаракатлар дастури, Глобал оператив тармоқ, Евроосиё ва Эгмонт гуруҳлари бошқа кўплаб платформаларда самарали иштирок этиб келаётгани соҳадаги халқаро муносабатларни янада ривожлантиришга ёрдам бермоқда.

Бу натижаларга, энг аввало, коррупцияга қарши курашда тўғри йўл танлангани, ўз вақтида амалга оширилган туб ўзгариш ва тизимли ислоҳотлар орқали эришилди. Давлатимиз раҳбарининг такрор ва такрор “Биз очиқлик сиёсатини, сўз эркинлиги ғояларини ҳаётга татбиқ этишда ҳамиша қатъий бўламиз!” деган сўзлари бежиз эмас.

Кейинги йилларда барча соҳаларда рақамлашувга, айниқса, давлат хизматлари соҳасида шаффофликка эришишда инсон омилини, коррупцияни таг-томири билан қуритиш учун қоғозбозликни камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, ерни ҳоким қарори билан ажратишдан тўлиқ воз кечилиб, аукцион тизимига ўтилгани амалий натижаларнинг ёрқин намунасидир.

Ҳаётий зарурат бўлган соҳалар, хусусан, таълим тизимидаги юзлаб тўсиқ ва ноаниқликлар бартараф этилиши натижасида коррупция учун шароит ҳозирлайдиган йўллар тўсилиб, барчага бирдек имкониятлар яратилмоқда. Айниқса, ўтган даврда мактабгача ва мактаб таълими тизимида 10 дан ортиқ хизмат тури тўлиқ электрон шаклга ўтказилиши натижасида соҳада мурожаатлар сони 2,5 карра, олий таълимдаги рақамлашув натижасида 35 турдаги ҳужжатни инсон омилисиз олишга ўтилиши туфайли соҳадаги мурожаатларнинг 2,2 баробар камайишига эришилди.

### Хорижий тажрибани миллий амалиётда қўллаш зарурати

Маълумотларга кўра, коррупция оқибатида жаҳон иқтисодиёти йилига 3 триллион доллар зарар кўради. Биргина мана шу рақамнинг ўзиёқ унинг аллақачон инсоният учун глобал хавфга айланганидан далолат. Энг ачинарлиси, жамият кўрадиган маънавий зарар кўламини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари халқаро ҳужжатларда акс этиб, бу борада БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ва Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси ҳамда Европа кенгашининг 1999 йилдаги Коррупция учун жиноий жавобгарлик ва Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги тўғрисидаги конвенцияларида ўз аксини топган.

Бироқ халқаро тажрибаларга кўра, коррупцияга қарши курашда юқори натижага эришиш юзасидан муайян формула, моделлар, платформа ёки концепциялар мавжуд эмас. Биринчи навбатда, ҳар бир мамлакатда ишлаб чиқилган миллий қонунчилик ва концепциялар орқали ушбу иллатга қарши курашилади ва ёндашувлар мунтазам такомиллаштириб борилади.

Коррупцияга қарши курашда юқори натижага эришган Швеция, Сингапур, Швейцария каби давлатлар тажрибасини ўрганиш жараёни коррупцияни юзага келтирувчи омилларни бартараф этиш коррупцияга қарши курашда энг муҳим, ҳал қилувчи ўрин эгаллашини кўрсатди.

> **Янги Ўзбекистонда келажак учун кафолатли ватан қурмоқчи эканмиз, коррупцияни ватанга хиёнатга, коррупционерларни эса энг ашаддий сотқинга тенглаштириш вақти келди. Бу ҳақиқий виждон иши, кундалик ҳаёт мазмуни бўлмоғи шарт!**

Жумладан, қисқа муддатда коррупцияни минимал кўрсаткичга камайтириб, юқори иқтисодий натижаларга эришган Сингапурда коррупцияга қарши курашнинг муҳим принциплари — жамоатчилик олдида изза қилиш, жавобгарлик муқаррарлиги, давлат ва шахсий манфаатлар чекланиши, қонун устуворлиги мустаҳкамланиши, коррупцияга қарши махсус бюро ташкил этилиши, раҳбарларнинг шахсий намунаси, лавозимга тайинланиш, мулк ва даромадларни декларация қилишдаги ҳалоллик орқали курашилади. Энг муҳими, бунга умуммиллий вазифа сифатида қаралиб, ўсиб келаётган ёш авлод луғатида ушбу сўз батамом бўлмаслигига эришиш пировард мақсадга айланган, натижалар мамлакатдаги ҳар бир соҳада бўй кўрсатмоқда.

Коррупцияга қарши курашда юқори натижага эришган мамлакатлар тажрибасида ихтисослаштирилган органлар фаолияти йўлга қўйилгани кўзга ташланади. Хусусан, Франция, Руминия, Ҳиндистон, Корея Республикаси, Финляндия, Норвегия, Дания ва бошқа қатор мамлакатларда коррупцияга қарши кураш юзасидан мустақил тузилма фаолият юритади. Масалан, Францияда Коррупциянинг олдини олиш бўйича идоралараро орган бўлган марказий хизмат, Финляндиядаги Адлия омбудсмани фаолияти фикримиз далилидир.

Коррупцияга қарши курашнинг муҳим омилларидан яна бири давлат хизматчиларининг мулкий декларация тизимини тартибга солиш, ноқонуний бойиш ва манфаатлар тўқнашувини аниқлашда намоён бўлади. Қатор йиллардан буён коррупция даражаси паст мамлакатлар рейтингида етакчилик қилаётган Дания тажрибасига кўра, мамлакат қонунлари ҳукумат вакилларини ҳар йили мол-мулки ва шахсий даромади тўғрисидаги маълумотларни нашр этишга мажбур қилади, хорижий компанияларда акцияларга эга бўлишини тақиқлайди. Бу улар бошқарув фаолиятининг ошкоралиги ва шаффофлигини, коррупцион ҳолатларнинг олдини олишга ёрдам беради.



### Ҳар бир ташкилотни коррупциядан холи муассасага айлантириш устувор вазифа

Ижобий натижалар билан бирга айрим салбий рақамлар ҳам мавжуд. Бу коррупцияга қарши кураш доимий тадбирга, кундалик профилактикага айланиши, унга қарши ҳар ким ҳар куни курашиши кераклигини англатади.

Шу боис, Президентимизнинг “Барчамиз яхши тушунамиз, коррупцияга қарши кураш жараёни ҳеч қачон аниқ муддат билан чекланмайди. Ушбу масалада фақат давлатнинг саъй-ҳаракати билан кутилган натижага эришиб бўлмайди. Бу — бутун жамиятимизнинг иши”, деган фикрлари ҳар биримиз учун огоҳлик қўнғироғи бўлиб хизмат қилиши керак.

Рақамларга эътибор қаратсак, биргина 2024 йилда коррупция соҳасида 5716 та жиноят содир қилиниб, 6898 шахс жавобгарликка тортилганини кўрамиз. Ачинарлиси, мазкур жиноятларнинг энг кўпи мактабгача ва мактаб таълими (11,6 фоиз), соғлиқни сақлаш (9,2 фоиз) ҳамда камбағалликни қисқартириш ва бандлик тизимида (7,8 фоиз) содир қилинган. Коррупцион жиноятлар оқибатида давлат манфаатига 12,4 триллион сўм зарар етказилган. Шундан бор-йўғи 4,2 триллион сўми (34 фоизи) ундирилган.

Жиноятлар тури бўйича таҳлил қилинса, 1925 таси ўзлаштириш, 1080 таси фирибгарлик, 412 таси мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, 1414 таси мансаб сохтакорлиги, 201 таси пора олиш, 575 таси пора бериш, 109 таси бошқа жиноятлар экани аён бўлади.

Коррупциявий жиноятларнинг 75 фоизи туман ва маҳаллада маиший коррупция шаклида содир этилган. Хусусан, инфратузилмага уланиш, лицензия олиш, имтиёзли кредит ажратиш, ишга қабул қилиш, малака ошириш каби йўналишларда коррупция омили кўп.

Шу жиҳатдан ҳам кадрларда фидойилик, иллатларга қарши курашда ҳамжиҳатлик етишмаётгани бу борадаги энг катта камчилик сифатида кўрсатиб ўтилгани бежиз эмас.

Мазкур рақамларнинг вужудга келишида фақат масъул идораларнинг эмас, балки барчанинг бирдай дахлдорлиги ва масъулиятини ошириш ижобий натижа беришини, аввало, ўзгаришни ўзимиздан, фарзандларимиздан бошлашимиз лозим.

Энг аввало, уларга муқаддас қадрият бўлган тинчлик ва барқарорликни қадрлашни тушунтиришимиз, қолаверса, ҳар биримиз кечаги кун билан бугуннинг фарқини яхши англашимиз, маҳаллада, тўй-маъракада исрофгарчиликка йўл қўймаслигимиз, ҳалоллик ва шукрона билан ҳаёт кечиришни кундалик ҳаёт тарзимизга айлантириш бўйича намуна бўлмоғимиз даркор.

Коррупцияга қарши кураш агентлиги иш услуби мутлақо ўзгариши, хусусан, тажриба тариқасида 5 та идора — Соғлиқни сақлаш, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги, Сув хўжалиги вазирликлари, “Ўзбекнефтгаз” ва “Ўзсувтаъминот”нинг комплаенс назорати агентликка ўтказилаётгани ҳам соҳавий ва мақсадли ишлашга ёрдам беради. Бунда йил якуни бўйича ушбу вазирликларда қанча коррупциявий омил бартараф қилингани, одамларга қандай енгилликлар бўлгани ҳақида миллий кенгашда ҳисобот бериш тартиби белгилангани эса шаффофлик сари навбатдаги муҳим қадам бўлди.

> **КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ АГЕНТЛИГИ ИШ УСЛУБИ МУТЛАҚО ЎЗГАРИШИ, ХУСУСАН, ТАЖРИБА ТАРИҚАСИДА 5 ТА ИДОРА — СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ, СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАРИ, “ЎЗБЕКНЕФТГАЗ” ВА “ЎЗСУВТАЪМИНОТ”НИНГ КОМПЛАЕНС НАЗОРАТИ АГЕНТЛИККА ЎТКАЗИЛАЁТГАНИ ҲАМ СОҲАВИЙ ВА МАҚСАДЛИ ИШЛАШГА ЁРДАМ БЕРАДИ. БУНДА ЙИЛ ЯКУНИ БЎЙИЧА УШБУ ВАЗИРЛИКЛАРДА ҚАНЧА КОРРУПЦИЯВИЙ ОМИЛ БАРТАРАФ ҚИЛИНГАНИ, ОДАМЛАРГА ҚАНДАЙ ЕНГИЛЛИКЛАР БЎЛГАНИ ҲАҚИДА МИЛЛИЙ КЕНГАШДА ҲИСОБОТ БЕРИШ ТАРТИБИ БЕЛГИЛАНГАНИ ЭСА ШАФФОФЛИК САРИ НАВБАТДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ БЎЛДИ.**

Шунингдек, агентлик вазир, ҳокимлар билан бирга ҳар чоракда коррупция юқори бўлган камида 3 та соҳада тумангача тушиб, маиший ва тизимли коррупция омилларини чуқур ўрганиши, таҳлиллар асосида қайси жараённи рақамлаштириш, қайси бюрократик тартибни бекор қилиш бўйича аниқ чораларни ишлаб чиқиши натижасида ҳар бир ҳаракат аниқ ва манзилли бўлишига ёрдам беради.

Бугун сунъий интеллект ва рақамлаштириш имкониятларини коррупцияга қарши кураш соҳасида ҳам қўллаш орқали қатор тизимли ва оғриқли муаммоларнинг олдини олиш мумкин. Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан қайд этилгани каби фуқаролар сув, газ, электрга уланиш, субсидия, пенсия ва моддий ёрдам олиш каби масалаларда идорама-идора юрмай, онлайн жавоб оладиган тизим яратилиши аҳоли учун амалий ёрдам бўлади.

Шунингдек, сунъий интеллект асосида аҳолининг саволига қўл телефони билан содда жавоб берадиган онлайн платформани ишга тушириш орқали муаммоларга тез ва осон ечим топишга эришиш мумкин.

### Коррупциянинг олдини олиш сифатли ва фидойи кадрларни “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлашдан бошланади

Янги Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишда болаликдан “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланган янги авлодни камолга етказиш масаласи устувор аҳамиятга эга. Бу борада БМТнинг Коррупцияга қарши таълим ва ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш глобал ресурси дастурини Ўзбекистонда кенг жорий этиш ишлари бошлаб юборилган.

Мамлакатимиз ёшлари онгига “Коррупция — келажакка таҳдид” ғоясини сингдириш муҳим. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ислоҳотларимиз натижадорлиги, аввало, садоқатли, фидойи ва коррупцияга тоқатсиз янги авлодга бевосита боғлиқ. Мазкур ишда фикри тоза ёш авлодни тарбиялаш устувор вазифага айланиши шарт.

Бу борада мактабларда “Тарбия” фани доирасида ўғил-қизларимизга ҳалоллик, бировнинг ҳақига хиёнат қилмаслик каби эзгу ғояларни содда тилда тушунтириш ишларини янада жадаллаштириш мақсадга мувофиқ. Олий таълим тизимида эса талабаларнинг коррупцияга қарши лойиҳалари, стартап ва инновацион ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизими йўлга қўйилиши келажак учун самарадор механизм бўлади. Қисқаси, барча бир ёқадан бош чиқарган ҳолда “коррупция — келажакка таҳдид” деган ғоя асосида янги Ўзбекистон ёшлари қалбидан жой оладиган тизим яратилади.

Яна бир аҳамиятли жиҳат шундаки, давлат хизматлари соҳаси учун кадрлар танлаш ва иш билан таъминлаш масалаларида муҳим ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кадрларни танлаш ва ишга қабул қилишнинг очиқ тизими, давлат хизматчиларини мунтазам ўқитиш ва билимини баҳолаб бориш тизими, коррупция ўта оғир жиноят экани ва унга нисбатан муросасиз бўлиш ғоясини фарзандларимизга ёшлигидан бошлаб сингдириш, уларга фақат ҳалол меҳнат ва тадбиркорлик орқали даромад топишни ўргатиш таомиллари йўлга қўйилгани билан бирга мазкур масалаларда айрим камчиликлар ҳам мавжуд.

Энди кадрларни баҳолашда эски намунадаги “объективка”дан воз кечилиб, илғор ахборот технологиялари асосида ходимнинг малакаси ва салоҳияти, эришган натижаларини баҳолайдиган тизимга ўтилаётгани самара бериши шубҳасиз. Бинобарин, бу жиҳат халқаро тажрибада синовдан муваффақиятли ўтган. Бунда лавозимга қўйишда ходимнинг қайси олий таълим муассасасини битиргани ёки қаерда ишлагани эмас, қандай билим ва тажрибага эгалиги ва кўрсатган натижалари асосий мезон бўлади. Номзоднинг камчиликлари билан бирга яхши жиҳатларини ҳам холисона айтиш кераклиги ижобий самара беради.

Президентимиз бундан буён маҳаллада одамлар билан ишлаган, уларнинг муаммосини ўз кўзи билан кўриб, ҳал қилган ёшлар орасидан раҳбар кадрлар танлаб олиниши кераклигини таъкидлагани ҳам жойлардаги аниқ муаммоларнинг олдини олишга ёрдам беради. Шу билан бирга:

— ишга қабул қилишни очиқ ва шаффоф ўтказиш, давлат хизматчилари реестрини белгилаш, кадрларнинг коррупцияга мойиллигини ўрганиш бўйича фармон лойиҳасини киритиш;

— давлат хизматчилари даромадини декларациялашга оид қонунни қабул қилиш;

— Миллий кенгаш, парламентнинг коррупцияга қарши курашиш қўмиталари бу борада халқаро андозаларга мос таклифларни ишлаб чиқиши коррупцияга қарши курашнинг янада кучайишига, мамлакатимизнинг халқаро рейтингларда очиқлик ва шаффофлик кўрсаткичлари янада ошишига хизмат қилади, албатта.

Янги Ўзбекистонда келажак учун кафолатли ватан қурмоқчи эканмиз, коррупцияни ватанга хиёнатга, коррупционерларни эса энг ашаддий сотқинга тенглаштириш вақти келди. Бу ҳақиқий виждон иши, кундалик ҳаёт мазмуни бўлмоғи шарт!

Зеро, янги Ўзбекистонда яратилган қонуний шарт-шароитлардан муносиб фойдаланган ҳолда юқори натижаларга эришиш мумкинлиги исбот талаб этмайдиган табиий ҳодисага айланган. Шундай экан, юқоридаги фикрларимиз оддий сўз бўлиб қолмай, балки ҳар биримизнинг турмуш тарзимизга айланса, давлатимиз янада қудратли, халқимиз фаровон ва ёшларимиз баркамол бўлади.

# АСРЛАР ДАВОМИДА СИНАЛГАН ДЎСТЛИК






**Тожикистон асрлар давомида синовдан ўтган яқин қўшни ва Ўзбекистон учун ишончли стратегик шерикдир. Кейинги йилларда икки томонлама муносабатлар том маънода барқарор ривожланиб, биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли сезиларли натижаларга эришди ва улар юқори даражага кўтарилди. Икки мамлакат юксак сиёсий мулоқотни ривожлантирибгина қолмай, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ҳам ҳамкорлик қилиб, бир-бирининг мероси, маданияти ва тилларини ўрганиш орқали ҳақиқий дўстликни намойиш этмоқда.**

## Қардошлик ришталари

Хўжандда бўлиб ўтган “Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий муносабатлари — ўзбек-тожик халқлари дўстлигининг олий намунасидир” мавзусидаги конференцияда шу ҳақда сўз борди.

Тарих, маданий ва маънавий қадриятларнинг умумийлиги, шунингдек, ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничиликнинг ноёб, кўп асрлик анъаналари Ўзбекистон ва Тожикистоннинг ҳозирги муносабатларига мустаҳкам пойдевор яратмоқда. Мунтазам равишда олий ва юқори даражаларда сиёсий алоқалар ташкиллаштирилмоқда. Икки мамлакат Президентлари бир неча бор расмий ва ишчи ташрифларини амалга оширди. Давлат раҳбарлари даражасидаги қизғин мулоқот ва фаол сиёсий ҳамкорлик икки томонлама муносабатларни чуқурлаштиришга катта ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида савдо-иқтисодий муносабатлар ҳам жадал ривожланмоқда. Товар айирбошлаш кўрсаткичлари йилдан йилга ошиб боряпти. Иккала мамлакатда ҳам қўшма корхоналар сони муттасил ўсяпти. Тошкент ва Душанбе янги транзит йўлакларини шакллантириш ва замонавий логистика инфратузилмасини яратиш устида иш олиб бормоқда, натижада халқаро темир йўл ва автомобилда юк ташиш ҳажми сезиларли даражада ошди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида ўнлаб йиллар давомида йиғилиб қолган барча баҳсли масалаларни ҳал этишга киришилди. Бу ўзаро савдо ва инвестициялар, транспорт коммуникациялари, сув-энергетика ресурсларидан биргаликда фойдаланиш соҳаларида алоқаларни мустаҳкамлаш, халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида маданий-гуманитар ва ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга имкон берди.

Халқларимизнинг маданияти, анъаналаримизнинг умумийлигига шубҳа йўқ. Бу жиҳат биродар халқларнинг бир-бирини бойитиш ва яқинлашувига муносиб ҳисса қўшаётган бирлаштирувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда. Иккала мамлакатда ҳам миллий маданий марказларнинг муваффақиятли фаолияти учун зарур шароитлар яратилган.

Хўжанд шаҳрида Ўзбекистон “Ватандошлар” жамоат фонди томонидан ташкил этилган икки мамлакат академик ва адабий доиралари вакилларининг учрашуви ҳам ҳамкорликнинг сифат жиҳатидан янги, стратегик даражасига ўтиши шароитида янги ўсиш нуқталарини излашга бағишланди.

— Бугунги кунда Ўзбекистонда 1,5 миллиондан зиёд тожиклар, Тожикистонда эса миллионга яқин этник ўзбеклар истиқомат қилади, — дейди Ўзбекистон “Ватандошлар” жамоат фонди бошқаруви раиси Одилжон Сатторов. — Бизда Тожик миллий-маданият маркази ва унинг вилоятларда филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Бир қатор мактабларда таълим тожик тилида олиб борилади, даврий нашрлар, теле ва радиоэшиттиришлар эфирга узатилади. Ўзбекистон ва Тожикистонда бир неча бор маданият кунлари, машҳур рассомлар ва ҳунармандлар асарлари кўргазмалари, концертлар ва кинофестиваллар ўтказилди. Театр санъати соҳасида доимий равишда ўзаро саёҳатлар уюштирилмоқда. Тожикистон вакиллари Ўзбекистонда ўтказилаётган халқаро бахшичилик санъати фестиваллари ва мақом санъати форумларида, “Бойсун баҳори” ва “Шарқ тароналари” фестивалларида, “Истеъдод” халқаро танловида мунтазам иштирок этяпти.

Конференцияда тожикистонлик журналист, Б.Ғафуров номидаги Хўжанд давлат университети ўқитувчиси Озод Мелибоев шундай дейди: “Дунёда юзага келаётган мураккаб шароитларда Тожикистон ташқи сиёсатда Ўзбекистонни энг муҳим устувор шерик ва дўст деб билади. Биз буни нафақат






**УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!**



мамлакатни ривожлантириш истиқболлари, балки минтақавий хавфсизликни таъминлаш билан ҳам боғлаймиз”.

2018 йилда мамлакатларимиз аҳолининг ўзаро саёҳатлари тўғрисида битим имзоланди, унга мувофиқ 30 кунгача визасиз режим жорий этилди. Бу давлатлар ўртасидаги ҳаракатни сезиларли даражада осонлаштирди, сайёҳлик алмашинувининг ўсишида катализатор вазифасини ўтади. Бундай ўзгаришлар натижасида Тожикистон 2023 йилда Ўзбекистонга ташриф буюрган сайёҳлар сони бўйича биринчи ўринни эгаллади (2,15 миллиондан зиёд киши).

Виза режимини соддалаштиришдан ташқари, чегара масалалари тартибга солинди, бу эса чегарадаги назорат-ўтказиш пунктларининг тўлиқ ишлашини тиклашга, автобус, темир йўл ва авиаташувларни кўпайтиришга ёрдам берди. Ҳозирги вақтда мунтазам рейслар амалга оширилмоқда, шунингдек, иқтисодий ва маданий алмашинувларни янада мустаҳкамлайдиган Тошкент — Хўжанд ва Қўқон — Шайдон халқаро автобус йўналишлари ҳам фаолият юритмоқда.

— Ўзбекистон ва Тожикистон БМТ, ШҲТ, ИҲТ, МДҲ ва Оролни қутқариш Халқаро жамғармаси доирасида алоқаларни фаол қўллаб-қувватламоқда, — дейди фалсафа фанлари доктори, Хўжанд давлат университети профессори Аслиддин Пўлатов. — Ҳамкорлик Тошкент ва Душанбе ўртасида ўзаро ҳурмат ва қўллаб-қувватлаш тамойиллари асосида умумий ташаббусларни илгари суришга қаратилган биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан тавсифланади. Муҳими, мазкур мулоқотнинг чуқур илдизлари, улкан тарихи мавжуд. Конференция доирасида икки даҳо — Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий меросининг геосиёсий муносабатлари ва ўзаро боғлиқлигини муҳокама қилаётганимиз бежиз эмас. Маълумки, қалам усталари бир-бирининг истеъдодидан ҳайратланган, уларни гуманистик қарашлар ва илмий изланишларга қизиқиш, шунингдек, янги адабий шакллар бирлаштирган. Кўп жиҳатдан аждодлар мулоқоти ҳозирги босқичда республикаларимиз ўртасидаги муносабатларни ва икки давлат раҳбарлари — Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон ўртасидаги мулоқотни акс эттиради. Бу тадбирнинг номланиши ҳам шу билан боғлиқ.

Таъкидланганидек, мамлакатлар фаол сиёсий-иқтисодий алоқаларни ҳисобга олган ҳолда минтақавий ҳамкорликнинг асосий драйверлари бўлиш учун зарур шарт-шароитларга эга. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги алоқаларнинг кучайиши Марказий Осиёда ҳамкорликни янада ривожлантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

— Ўзбекистон Президентининг олиб бораётган ички ва ташқи сиёсати Марказий Осиёдаги дўстона муҳитни яхшилаб, ўзаро муносабатларнинг барча спектрига таъсир кўрсатди, — дейди О.Мелибоев. — Ўзбекистон раҳбарини давлатларимиз ўртасида янги даражадаги муносабатларнинг меъмори, десак муболаға бўлмайди. Ўз навбатида, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг конструктив ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиги икки биродар халқларнинг узоқ муддатли манфаатларига жавоб беради. Бу эса минтақанинг тинчлиги, хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Конференция иштирокчилари Тожикистон ва Ўзбекистоннинг аниқ ва табиий фанлар соҳасидаги академик ҳамкорлиги ҳолати ҳамда истиқболлари, шунингдек, маҳаллий олимларнинг маданий-гуманитар соҳада дўст давлатдаги ҳамкасблари билан илмий алоқаларига бағишланган маърузаларни катта қизиқиш билан тинглади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Азиз Саиднинг икки мамлакат адабий, маданий ва маънавий алоқалари мавзусидаги фикри кўпчиликнинг эътиборини тортди. Унинг таъкидлашича, ҳар икки давлатнинг бугунги куни ўзаро ижодий таъсирсиз, асрлар давомида мавжуд бўлган мустаҳкам биродарлик ришталарисиз қандай бўлишини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

2018 йил август ойида давлатимиз раҳбари ўзбек ва тожик халқларининг “Дўстлик оқшоми”даги нутқида шундай деди: “Ўзбек ва тожик халқлари бир дарахтнинг икки шохи, бир дарёнинг икки ирмоғига ўхшайди. Бизнинг муқаддас динимиз, еримиз ва сувимиз бир. Қувончу ташвишларимиз, тақдиримиз муштарак. Аждодларимизнинг эзгу анъаналарини давом эттириб, халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлашимиз ва асраб-авайлашимиз керак”.

Дарҳақиқат, бу заминнинг кўплаб авлодлари ўхшаш ҳаёт кечирган, болалигида уларга эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабаси ҳақида ўхшаш эртаклар айтилган, улар адабий дурдоналарнинг худди шу номдаги сюжетларини, эпик достонларни ўқиган ва Наврўз шарафига тантанали байрамлар уюштирган. Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин — ўзбекларнинг ҳам, тожикларнинг ҳам севимли қаҳрамонлари — буюк Навоий ва Жомий тилларида сўзлаган.

Ортга назар ташласак, Президентимизнинг сўзлари — бундай хайрли ишларга оқ йўл тилаши том маънодаги кўрсатма бўлиб, икки мамлакат ва уларнинг фуқаролари ўртасидаги муносабатлар ўша дамдан бери ривожланишда давом этмоқда.

— Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ва шериклик барча йўналишларда мисли кўрилмаган ютуқларга эришди. Бугунги кунда иложи борича куч, имконият ва салоҳиятни бирлаштириш, мамлакатларимиз тараққиётида муҳим таркибий қисм бўлиб хизмат қиладиган қўшма лойиҳа ва дастурларни амалга оширишимиз лозим, — дейди О.Сатторов. — Сўнгги 30 йил ичида мамлакатларимиз мустақил ва суверен давлатлар сифатида ўзаро муносабатларнинг янги саҳифасини очди. Халқларимиз ўртасидаги дўстлик вақт синовларидан ўтди. Эндиликда ҳамкорлик ривожланишнинг янги босқичига кўтарилди. Биз ҳамиша кўп асрлар муқаддам асос солинган яхши қўшничилик муносабатларини сақлаб келганмиз. Энг муҳими, мамлакатларимиз барча соҳаларда муносабатларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш зарурлигини исботлади. Икки давлат раҳбарларининг мунтазам расмий ташрифлари, уларнинг доимий ва яқин мулоқоти бу ишга туртки беради. Тожикистон ва Ўзбекистон абадий дўстлик тўғрисидаги шартномани имзолади, бу муносабатларимиз даражасини ривожланишнинг мутлақо янги босқичига олиб чиқди. Давлат чегараси тўғрисидаги шартномани имзолаш тарихий аҳамиятга эга бўлди дейиш мумкин. Натижада жуда илиқ муносабатлар ўрнатилди, барча соҳаларда ишлаш учун қулай шароитлар яратилди.

Бир сўз билан айтганда, олдинда ҳали амалга ошрадиган ишларимиз кўп, бу ҳурмат ва ўзаро тушунишга асосланган келгуси алмашинувлар, ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда очиқ мулоқотни назарда тутади.

**Сабина АЛИМОВА,**
**“Правда Востока” мухбири**

*Тошкент — Хўжанд — Тошкент*

---



Спорт

# МУВАФФАҚИЯТ УЧУН ОРЗУ-ҲАВАСНИНГ ЎЗИ КАМЛИК ҚИЛАДИ

**Ўтган йили Албаниянинг Тарина шаҳрида юнон-рум кураши бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган нуфузли беллашувда фарғоналик Алишер Ғаниев жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Ёш спортчи қўлга киритган ютуқлар Фарғона вилояти ҳокимлиги томонидан алоҳида эътироф этилиб, Фарғона шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” массивидан уй совға қилинди.**

Бувайда туманидаги “Янгиқўрғон” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳунармандлар оиласида камолга етган Алишер болалик чоғидаёқ ҳаракатчанлиги, машқларни тез ўзлаштириб олиши билан тенгқурларидан ажралиб турарди. Олти ёшли болакайнинг ўзига хос хислатини илғаган Валижон Маматқулов дилбандини туман спорт мактаби ҳузуридаги юнон-рум кураши тўгарагига олиб борди.

— Ўшанда мактабдаги энг ёш спортчи эдим, — дея хотирлайди Алишер. — Катта ёшли спортчиларнинг ҳаракати, маҳоратини кўриб, завқим келар, уларга ўхшашга интилардим. Илк бор туман, вилоят миқёсидаги беллашувларда иштирок этиб, ғолиблар қаторидан жой олганимда 4-синфда ўқирдим. Бу ўзимга ишончни оширди. Машғулотларга зўр беришга ҳаракат қилдим. Интилишларимни оиламдагилар қўллаб-қувватлаб, ҳар жиҳатдан амалий ёрдам берди, янги марралар сари руҳлантирди.

Ёш спортчи мураббийлар кўмагида юнон-рум курашининг ўзига хос жиҳатлари, қоидалари хусусида назарий ва амалий билим олди, малака ва маҳоратини муттасил оширди. Бу изланишлар уни катта спорт майдонлари сари етаклади. Республика олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказига ўқишга қабул қилинди. Шу тариқа маҳаллий ва халқаро спорт мусобақаларида муносиб иштирок этди.

Ўзбекистон ёшлар миллий терма жамоаси аъзоси 2022 йилда Баҳрайнда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида бронза медални қўлга киритди. 2023 йилда эса Осиё баҳсларида олтин, жаҳон биринчилигида бронза медаль соҳиби бўлди. Ўтган йили ёш спортчи кўплаб муваффақиятларга эришди. Олтмиш



килограмм вазн тоифасида мамлакатимиз тарихида илк бор 23 ёшлилар ўртасида жаҳон чемпиони деган юксак унвонга сазовор бўлди.

— Алишер иродали, иқтидорли спортчи. Мақсади йўлида қийинчиликлардан қочмаслиги ва матонати билан ажралиб туради, — дейди туман спорт мактаби мураббийи Наримон Бикиров. — У билан машғулотларни ўтказиш, белгиланган марралар сари қадам ташлаш осон кечади. Қолаверса, бошқа спортчилар билан тез дўстлаша олиши, жамоадаги аҳил-иноқлик, ҳамжиҳатлик ришталарини боғлашда фаоллиги билан ҳам кўпнинг эътиборини қозонган. Шу кунга қадар мактабимиздан юнон-рум кураши бўйича 8 нафар Осиё, 3 нафар жаҳон чемпиони, 1 нафардан олимпиада ва Осиё ўйинлари совриндори етишиб чиқди. Улар изидан бориб, машғулотларда фаол иштирок этаётган иқтидорли спортчилар кўпчилик. Бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида туманимизда юнон-рум курашига ихтисослаштирилган замонавий спорт базаси ташкил қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Юнон-рум кураши олимпиада тарихига кирган илк 6 та спорт туридан биридир. У кишидан жисмоний тайёргарлик, тез фикрлай олиш, куч ва чаққонлик талаб этади. Бунинг учун тинимсиз машқ, ишонч ва мақсад уйғун бўлсагина, кўзланган натижаларга эришилади.

— Тўрт йилликнинг нуфузли мусобақаси бўлган олимпиада баҳсларида иштирок этиш ҳар бир спортчининг орзуси, — дейди Алишер. — Аммо бу спортчидан катта масъулият, дахлдорлик талаб этади. Мусобақаларда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи беллашувлар ҳали олдинда. Аммо бу хотиржамликка асос бўлмайди. Шу боис, бўлғуси мусобақаларда ҳар жиҳатдан муносиб иштирок этиш, спорт беллашувларининг совриндори бўлиб, юртимиз байроғини халқаро майдонларда баланд кўтариш учун машғулотларга зўр беряпмиз. Мақсадим — 2028 йили Лос-Анжелесда бўлиб ўтадиган олимпиада мусобақаларида юртимиз байроғини баланд кўтариш. Бунинг учун барча шароит ва имкониятлар мавжуд.

Спортда муваффақият қозониш учун орзу-ҳаваснинг ўзи камлик қилади. У меҳнат ва изланиш, тинимсиз машғулот, устозлар ўгит-маслаҳатининг маҳсули. Бу тамойилга амал қилаётган Алишер Ғаниев ватанимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилиб келмоқда.

**Расулжон КАМОЛОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Қабулхона: (71) 233-56-33   Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98   E-mail: info@yuz.uz   Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-146.
37346 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 03:45  Топширилди — 03:50